O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV.№

Ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби, азми қатъий, тадбиркор ва ҳушёр бир киши минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир.

XXI ASR

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA | 29 (135)-сон, 2006 йил 20 июль | www.21asr.com

КАСАНАЧИЛИК

4 «Ироқи каштачилик мактаби» 300 нафар чеварни иш билан таъминлади

ЖАРАЁН

8 Акциядорлик жамияти фойдасига 14 млрд. сўм ундирилди

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

9 Япония Ироқдаги ҳарбий контингентини олиб чиқиш тадбирини якунлади

ЎЗБЕКИСТОН ҒАЛЛАКОРЛАРИГА

Қадрли дўстлар!
Авваламбор, ризқ-рўзимиз бунёдкори бўлган сиз, азиз деҳқон ва фермерларимизни 6 миллион 100 минг тоннадан зиёд юксак ғалла хирмони бунёд этганингиз билан чин қалбимдан самимий мубораклаб этаман.

Бизнинг неча ўн йиллар давомида орзу ва ҳавас қилиб келган ғалла мустақиллигига эришганимизни кейинги етти-саккиз йил мобайнида амалда тасдиқлаб келаётганимизни, бундай улкан ютуқнинг аҳамияти ва моҳиятини ғалла деган, нон деган бебаҳо неъматдан баҳраманд бўладиган ҳар қайси инсон, шу юртда яшайдиган ҳар қайси оила сўзсиз чуқур англайди ва юксак баҳолайди, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йилига нисбатан ғаллачиликда ҳосилдорлик 4,5 баробар, ялпи ҳосил миқдори эса 6,5 баробар ошгани бу борада қандай тараққиёт йўлини босиб ўтганимизни, заҳматкаш ўзбек деҳқонининг қандай буюк ишларга қодир эканини яққол кўрсатиб турибди.

Бир пайтлар тасаввур қилиш ҳам қийин бўлган бундай катта марралар, авваламбор Яратганимизнинг ўзи «Сендан — ҳаракат, мендан — баракат» дея мададкор бўлгани, халқимизни бало-қазолардан асраб, йўлимизни очиб бергани эвазига қўлга киритилганини ҳеч қачон унутмаслигимизни истардим.

Бундай улкан ютуқ замирида кечани - кеча, кундузни - кундуз демасдан, ўтган йилнинг куз фасли ва жорий йил баҳоридаги сув танқислиги, жазирама иссиқ, жала ва ёмғирлар билан боғлиқ қийинчиликларга қарамасдан, мўл ҳосил етиштирган мард, лафзи ҳалол деҳқонларимиз ва фермерларимизнинг азму шижоати ва фидокорона меҳнати мужассамдир.

Шу борада таъкидлаш жоизки, бугунги кунда одамларимизнинг онгу тафаккурида рўй бераётган ижобий ўзгаришлар, деҳқон ўзини ернинг, мулкнинг ҳақиқий эгаси, қишлоқдаги ҳал қилувчи куч сифатида ҳис этаётгани, унинг меҳнатга, ҳаётга бўлган фаол муносабати, манфаатдорлик ва масъулият туйғуси кучайиб бораётгани иқтисодиётимизда, ҳаётимизнинг барча жабҳаларида ана шундай юксак марраларга эришишда асосий мезон ва омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Қишлоқ аҳлининг дунёқарашидаги бундай туб ўзгаришлар ўз навбатида аграр соҳада кенг кўламли ислоҳотларни, замонавий бошқарувнинг самарали усул- услубларини, илғор технологияларни жорий этишда, ер билан тиллашиб яшайдиган инсонларда изланувчанлик, ташаббускорлик ва тадбиркорлик фазилатларини уйғотишда намоён бўлмоқда.

Айни пайтда қишлоқ хўжалиги соҳасида ишни мутлақо янгича асосда — бозор иқтисодиёти талабларига мос равишда ташкил этиш, хусусий мулкни изчил ривожлантириш, шу мақсадда фермерлик ҳаракатига кенг йўл очиб бериш, давлат томонидан уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, фермер хўжаликларига зарур моддий-техник ресурсларни ўз вақтида тўла етказиб бериш, улар етиштирган маҳсулотни реализация қилишда тегишли кўмак ва имтиёзлар яратиб бериш борасидаги амалий ҳаракатлар ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бу йилги етиштирилган ҳосилнинг 81 фоизи фермер хўжаликлари томонидан тайёрлангани ҳам фермерлик ҳаракатининг қишлоқда том маънодаги етакчи ва қудратли кучга айланиб бораётганидан далолат беради.

Азиз дўстларим, биродарларим!

Бугун далаларимизда сизларнинг пешона терингиз билан етиштирилган мўл ҳосилни халқимизнинг энг катта ютуғи, десак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди. Бу юксак ва баракали хирмон нафақат давлат эҳтиёжларини бажариш, шаҳар аҳолисини, ишчи-хизматчиларимиз, ҳарбийларимизни дон маҳсулотлари билан таъминлашга, айни пайтда қишлоқ аҳлининг ертўлалари, омборларини ғалла билан тўлдиришга, энг муҳими, халқимизнинг ризқини бутун, дастурхонини тўкин қилишга, эртанги кундан кўнгли тўқ бўлиб яшашига хизмат қилишини, ўйлайманки, ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Эл-юртимиз хирмони донга, кўнгилларимиз қувончга тўлиб турган мана шундай хурсандчилик кунларда барчамиз қўли қадоқ, кўпни кўрган, бошидан не- не синовларни ўтказган заҳматкаш деҳқонларимизнинг меҳнат жасорати олдида бош эгиб таъзим қиламиз.

Бундай улкан меҳнат ғалабасига ўзининг фидокорона меҳнати билан муносиб ҳисса қўшган барча-барча касб эгаларига чин қалбимдан самимий миннатдорлик билдираман.

Ҳорманг, меҳнатингизнинг роҳатини кўринг, азизларим, топганингиз яхши кунларга буюрсин! Хонадонингиздан тинчлик-хотиржамлик, файзу барака, бахту саодат аримасин!

Ҳеч қачон кам бўлманг, қадрдонларим!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

«...БУГУНГИ КУНДА ОДАМЛАРИМИЗНИНГ ОНГУ ТАФАККУРИДА РЎЙ БЕРАЁТГАН ИЖОБИЙ ЎЗГАРИШЛАР, ДЕҲҚОН ЎЗИНИ ЕРНИНГ, МУЛКНИНГ ҲАҚИҚИЙ ЭГАСИ, ҚИШЛОҚДАГИ ҲАЛ ҚИЛУВЧИ КУЧ СИФАТИДА ҲИС ЭТАЁТГАНИ, УНИНГ МЕҲНАТГА, ҲАЁТГА БЎЛГАН ФАОЛ МУНОСАБАТИ, МАНФААТДОРЛИК ВА МАСЪУЛИЯТ ТУЙҒУСИ КУЧАЙИБ БОРАЁТГАНИ ИҚТИСОДИЁТИМИЗДА, ҲАЁТИМИЗНИНГ БАРЧА ЖАБҲАЛАРИДА АНА ШУНДАЙ ЮКСАК МАРРАЛАРГА ЭРИШИШДА АСОСИЙ МЕЗОН ВА ОМИЛ БЎЛИБ ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА ».

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимиз ғаллакорларига йўллаган табригидан.

А.Муродов олган суратлар.

Тўйга аталган тўёнамиз бор

ҳатто ғалладан бўшаган ерга эккан пахтамиз ҳосили ҳам мўл бўлади...

— Мустақиллик бизга мулкдор бўлиш имконини берди...

Қувалик таниқли фермер Ҳурматилла Ҳакимов раҳбарлик қилаётган жамоа аъзоларини беихтиёр бугунги кунимиз қаҳрамонлари дегинг келади. Улар бундай қаҳрамонликни оддийгина қилиб, "ҳар кунлик ишимиз" деб атайдилар. Бутун бошли ширкат хўжалигидан икки-уч баробар юқори натижага эришиш, буғдойи ўриб олинган ерга ҳам пахта экиш, суратларда кўриб турганингиздек хатто пахта пайкалларида ҳам мева етиштириш хадисини олиш, ҳосилдорликни 60 центнерга етказиш, бор-йўғи 80 га яқин маслакдоши билан туман, вилоят номини улуғлашга ҳисса қўшиш ҳақиқатан ҳам уларнинг "оддий" ишига айланган.

Макарон, нон цехи фаолияти билан танишар эканмиз, энг асосийси одамларнинг фақат бугунги кун билан яшамаётганликлари, дунёда, ён-атрофда юз бераётган воқеаларга бефарқ эмасликлари бизни қувонтирди.

— Ғаллани 120 фоизга бажардик, — дейди иш бошқарувчи Ҳабибулло Исмонов. — Гектаридан 50 центнердан сара дон олдик. Жамоа аъзоларига 300 килограммдан буғдой тарқатдик. Кўрасиз, пахта режасини ҳам мустақиллик байрамигача бажариб, юзимиз ёруғ бўлади.

O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ҳамда унинг ҳузуридаги "Тадбиркорлик ва фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш маркази" жамоатчилик кенгашининг 4 июль куни бўлиб ўтган қўшма йиғилиши қарорларини амалга оширишга бағишланган йиғилишларнинг навбатдагиси 18-19 июль кунлари Сирдарё ва Самарқанд вилоятларида бўлиб ўтди.

Давоми 2-саҳифада.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ Қ А Р О Р И

Рангли металл парчалари, чиқиндиларини йиғиш, тайёрлаш ва қайта ишлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида

Қайд этиб ўтилсинки, кўрилаётган чораларга қарамай, таркибида рангли металлар бўлган механизм ва агрегатларни тал-н-тарож қилиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарлик фактлари, рангли металл парчалари ва чиқиндиларини яширинча тайёрлаш, уларни мамлакат ташқарисига контрабанда йўли билан олиб чиқиб кетиш ҳоллари учраб турибди.

«Ўзиккиламчиранглиметалл» ОАЖ ва унинг ҳудудий бўлинмалари рангли металл парчаларини тўлиқ йиғиб олиш, темир-терсак топшириш бўйича ... рувчилар билан шартномаларни ўз вақтида тузиш, уларни рағбатлантиришнинг таъсирчан тизимини жорий этиш бўйича ... рур чораларни кўрмаяптилар.

Рангли металл парчалари ва чиқиндиларининг ҳосил бўлиши ҳамда улардан фойдаланишни ҳисобга олиш ва ҳисобот бериш, улар айланишини назорат қилишнинг тегишли тизими мавжуд эмас.

Кўрсатиб ўтилган камчиликларни бартараф этиш, рангли металларнинг ноқонуний айланишига чек қўйиш, уларнинг фаолият кўрсатаётган ишлаб чиқариш қурилмаларидан ўғриланишининг олдини олиш, шунингдек, рангли металл парчалари ва чиқиндилари ҳосил бўлиши ҳамда улардан фойдаланиш тўлиқ ҳисобга олинишини таъминлаш, уларни комплекс ва чуқур қайта ишлаш корхоналарини ривожлантириш мақсадида:

1. "Ўзиккиламчиранглиметалл" ОАЖ ва унинг ҳудудий бўлинмалари акциядорлари ҳамда қатнашчиларининг:

"Ўзиккиламчиранглиметалл" ОАЖ ва унинг ҳудудий бўлинмаларини 1-иловага мувофиқ қайта ташкил этиш ва уларнинг негизида «Тошкент рангли металл парчалари ва чиқиндиларини қайта ишлаш заводи» очиқ акциядорлик жамиятини ташкил қилиш;

"Ўзиккиламчиранглиметалл" ОАЖнинг рангли металл парчалари ва чиқиндиларини қабул қилиш ва тайёрлаш пунктларини 2-иловага мувофиқ, белгиланган тартибда тугатиш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин.

Давоми 2-саҳифада.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2006 йил 18 июлдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*/

1 Австралия доллари	921,13	1 Миср фунти	213,72	1 Польша злотийси	384,44	10 Жанубий Корея вони	12,86
1 Англия фунт стерлинги	2251,44	1 Исландия кронаси	16,33	1 СДР	1810,44	10 Япония иенаси	105,40
1 Дания кронаси	207,56	1 Канада доллари	1085,05	1 Туркия лираси	775,59	1 Россия рубли	45,48
1 БАА дирҳами	333,86	1 Хитой юани	153,37	1 Швейцария франки	992,72	1 Украина гривнаси	242,81
1 АҚШ доллари	1226,21	1 Малайзия рингги	333,03	1 ЕВРО	1547,60		

2006 йил 20 июль
Пайшанба
29 (135) -сон
www.21asr.com
ASR

ИЖТИМОИЙ ҲАЁТ

ФАҚАТ ўз фикри, ўз ҳаётий позициясига эга бўлган халқ ва жамиятгина енгилмас кучга айланади

ҚАРОР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ Қ А Р О Р И

Рангли металл парчалари, чиқиндиларини йиғиш, тайёрлаш ва қайта ишлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Белгиланснки, «Тошкент рангли металл парчалари ва чиқиндиларини қайта ишлаш заводи» ОАЖ Вазирлар Маҳкамасига ҳисобот беради ҳамда "Ўзиккиламчиранглиметалл" ОАЖ ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича, шу жумладан жалб этилган кредитлар бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

2. Қуйидагилар «Тошкент рангли металл парчалари ва чиқиндиларини қайта ишлаш заводи» ОАЖнинг энг муҳим вазифалари ва функциялари деб ҳисоблансин:

— рангли металл парчалари ва чиқиндиларини комплекс равишда чуқур қайта ишлаш, республика истеъмолчиларининг ишлаб чиқариш эҳтиёжлари ҳамда экспортга етказиб беришни кенгайтириш учун улардан прокат, қотишмалар ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш борасида тизимли ишларни ташкил қилиш;

— мавжуд қайта ишлайдиган қувватларни модернизациялаш ва техник жиҳатдан қайта қуроллантириш, рангли металларни қайта ишлашнинг замонавий юксак самарали ускуна ва технологияларини татбиқ этиш;

рангли металл парчалари ва чиқиндиларини тайёрлаш ҳамда уларни темир- терсак топширувчилардан қабул қилиш, шу жумладан рангли металл парчалари ва чиқиндилари мунтазам ҳосил бўлиб турадиган юридик шахслар билан фьючерс шартномаларини тузиш йўли билан тайёрлаш ва қабул қилишнинг аниқ-пухта тизимини ташкил қилиш; топшириладиган рангли металл парчалари ва чиқиндилари учун фақат юридик шахслар - темир-терсак топширувчилар томонидан темир-терсак ҳамда чиқиндилар топширилишини рағбатлантирувчи эркин (шартномавий) нархлар бўйича ҳисоб- китоблар тизимини жорий этиш.

3. «Тошкент рангли металл парчалари ва чиқиндиларини қайта ишлаш заводи» ОАЖ бошқарув ходимларининг чекланган сони 24 кишидан иборат бўлган бошқарув аппарати тузилмаси 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

«Тошкент рангли металл парчалари ва чиқиндиларини қайта ишлаш заводи» ОАЖ бош директори Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тайинланиши белгилаб қўйилсин.

«Тошкент рангли металл парчалари ва чиқиндиларини қайта ишлаш заводи» ОАЖга ҳудудларда рангли металл парчалари ва чиқиндиларини йиғиш, қабул қилиш ва бирламчи қайта ишлаш бўйича замонавий ускуналар, юк кўтариш ва транспорт воситалари билан жиҳозланган филиалларини юридик шахс тузмасдан ташкил этиш ҳуқуқи берилсин.

4. "Ўзиккиламчиранглиметалл" ОАЖ ва унинг ҳудудий бўлинмаларини қайта ташкил қилиш билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш учун 4- иловага мувофиқ таркибда махсус комиссия тузилсин.

Махсус комиссия:

— икки ҳафта муддатда "Ўзиккиламчиранглиметалл" ОАЖ ва унинг ҳудудий бўлинмаларини қайта ташкил этиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга оширсин;

— Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси билан биргаликда «Тошкент рангли металл парчалари ва чиқиндиларини қайта ишлаш заводи» ОАЖ Устав жамғармасини шакллантиришга, акциялар пакетининг 51 фоиз миқдорини давлатда сақлаб қолган ҳолда улушларни қатнашчилар ўртасида тақсимлашга, шунингдек Уставни тайёрлаш ва рўйхатдан ўтказишга кўмаклашсин;

— бир ой муддатда "Ўзиккиламчиранглиметалл" ОАЖ ва унинг ҳудудий бўлинмалари балансида бўлган мол-мулкни хатловдан ўтказсин ва ундан янада самарали фойдаланиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компанияси, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси, «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси, «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамда бошқа идора ва ташкилотларнинг раҳбарлари рангли металлар, уларнинг парчалари ва чиқиндилари айланиши борасида ўрнатилган тартибга риоя этилишини таъминлаш учун шахсан жавобгар эканликлари тўғрисида огоҳлантирилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси:

— Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликлари билан биргаликда рангли металлар бўлган ускуналар, парча ва чиқиндиларни яширинча қабул қилиш пунктлари фаолиятига ҳамда уларни Ўзбекистон Республикаси ташқарисига олиб чиқиб кетишга уриниш ҳолатларига чек қўйиш бўйича амалий чора-тадбирлар қабул қилсин;

— Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда рангли металлар, уларнинг парчалари ва чиқиндиларини тайёрлаш, сотиб олиш, фойдаланиш ва сотиш қоидаларини бузганлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарликни кучайтириш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

— Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси билан биргаликда рангли металлар, уларнинг парчалари ва чиқиндиларини тайёрлаш, сотиб олиш, фойдаланиш ва сотиш қоидалари бузилишининг олдини олиш ҳамда унга қарши курашиш бўйича олиб борилаётган ишлар телевидение орқали мунтазам ёритиб борилишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Адлия вазирлиги билан биргаликда икки ҳафта муддатда темир-терсак топширувчилар билан рангли металл парчалари ва чиқиндилари топширишни рағбатлантирувчи эркин (шартномавий) нархлар бўйича ҳисоб-китоблар амалга оширилишини назарда тутган ҳолда, топшириладиган рангли металл парчалари ва чиқиндиларига нарх белгилаш тартибини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги Давлат статистика қўмитаси билан биргаликда бир ой муддатда рангли металл парчалари ва чиқиндилари ҳосил бўлиши ва улардан фойдаланиш бўйича статистик ҳисоботларнинг ҳар чорак шаклини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин ҳамда уни 2006 йилнинг 1 октябридан жорий этсин.

9. Вазирлар Маҳкамасининг "Иккиламчиранглиметалл" ишлаб чиқариш бирлашмасини очиқ турдаги "Ўзиккиламчиранглиметалл" акционерлик жамиятига айлантириш тўғрисида" 1994 йил 24 мартдаги 160-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э.Р.Шоисматов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2006 йил 18 июль

САЙЁР ЙИҒИЛИШ

Электоратимиз манфаати бирламчи

Тадбирда вилоятда партия электорати манфаатларини ҳимоя қилиш, тадбиркорлик ва фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш борасидаги олиб борилаётган ишлар кўламини янада кенгайтириш, мавжуд муаммоларини ҳал этиш механизмларини ишлаб чиқиш, жойларда партия раҳбарияти ва депутатлик корпуси аъзоларининг тадбиркорлар ва фермерлар билан мунтазам учрашувлари ҳамда эркин мулоқотларини ташкил этишдек долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Феруза ЭГАМОВА,
Назокат ШЕРБОЕВА,
Муҳаббат РАВШАНОВА,
«XXI asr» махсус мухбирлари

Бугунги кун яратувчилари, бунёдкор инсонлар иштиро к этган мазкур учрашувлар шуниси билан диққатга сазоворки, партия етакчилари ўз электорати олдида турган муаммоларни, уларни қизиқтираётган, ўйлантираётган масалаларни ўша ҳудудларнинг ўзида муҳокама қилмоқда. Ўтган ҳафта Хоразм вилоятида бўлиб ўтган йиғилиш таассуротлари совумай, навбатдаги учрашув Гулистон шаҳрида бўлиб ўтди.

Мирзаобод туманидаги "Рустам Қосимов" номли фермер хўжалиги раиси Р. Маматқулов Мирзачўл шароитида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирувчиларга ёнилғимойлаш материаллари, минерал ўғит, иш ҳақи миқдорини ошириш, Оқолтин туманидаги "Юсуп" фермер хўжалиги раиси Э. Юсупов эса пахта ва ғалланинг харид нархини кўтариш, ёғ-экстракция корхонасига топширилган чигитдан чиққан маҳсулотларни сотиб олиниши жараёнларини қайта кўриб чиқиш, Мирзаобод туманидаги "Янги ҳаёт" фермер хўжалиги раиси Р. Қаршибоев алмашлаб экишни йўлга қўйиш ҳамда чорвачиликни ривожлантириш масалалари ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Йиғилишда O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси М.М.Тешабоев, Ўзбекистон Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O`zLiDeP фракцияси аъзолари, ҳудудий партия Кенгашлари аъзолари ва депутатлик гуруҳлари раҳбарлари, хусусий сектор вакиллари, банк, ҳуқуқ-тартибот, солиқ идоралари ҳамда маҳаллий бошқарув органларининг масъул ходимлари билан бирга 200 нафардан зиёд партия фаоллари иштирок этдилар.

Эркин мулоқот тарзида ўтказилган суҳбатларда ҳалқ депутатлари шаҳар ва туман депутатлик гуруҳларининг партия электорати билан ишлашдаги фаоллигини янада ошириш зарурлигига эътибор қаратилди. Депутатлик гуруҳларига жойлардаги тадбиркорлик субъектлари фаолиятидаги муаммоларни ўрганиб бориш ва уларни ҳал этишда ташаббускорлик кўрсатиш, партиянинг дастурий мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, аҳоли ўртасида олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот ишлари таъсирчанлиги ва самарасини янада ошириш вазифаси юклатилди.

Таъкидландики, турли мулкчиликка асосланган субъектларнинг эркин фаолият кўрсатиши учун ҳуқуқий, меъёрий, иқтисодий шароитларни яратиш, қишлоқдаги мулкдорлар синфи вакилларининг сиёсий онгини ошириш, қишлоқда янги иш ўринларини барпо этиш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш, уларнинг даромадини ҳамда турмуш даражасини юксалтириш каби масалалар ечимини излаш ва ҳал қилишда, энг аввало, партия фаоллари ўрнак кўрсатишлари лозим.

O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси М.М.Тешабоев ҳамда бир гуруҳ партия фаоллари Сирдарё туманидаги "Ҳақиқат" фермер хўжаликлари ҳудудий уюшмасидаги "Ғазали бобо" фермер хўжалиги, Гулистон шаҳридаги "Машҳура-М" хусусий ишлаб чиқариш корхонаси, "Сарбонтекс" Ўзбекистон-Швейцария қўшма корхонаси, "Туркистон-С-Росс-Фахри" Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси, Мирзаобод туманидаги "Оқолтин" фермер хўжаликлари фаолияти билан танишганларида ҳам бирламчи эътибор ана шу масалаларга қаратилди.

Тадбир сўнгида вилоятда тадбиркорлик ва фермерликни янада ривожлантириш, уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг мустаҳкам ҳуқуқий асослари ва тизими яратилганлигига қарамай, турли назорат органларининг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашувлари учраётгани, бунда ҳолатларнинг олдини олишда O`zLiDeP фаоллари ҳамда партия депутатлик гуруҳларининг масъулиятини янада ошириш юзасидан тегишли қарорлар қабул қилиниб, аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинди.

• • •

Самарқанд вилоятининг Пайариқ ва Оқдарё туманларида 19 июль кун бўлиб ўтган тадбирлар кўпчиликда таассурот қолдирди, дейиш мумкин.

O`zLiDeP раҳбарияти ҳамда вилоят партия кенгаши масъуллари ва ибрат гуруҳ Пайариқ туманидаги "Табассум" фермер хўжалиги боғида фермерлар ва тадбиркорлар билан учрашиб, мустақиллик йилларида қўлга киритилган ютуқларда, айниқса, тадбиркорларимизнинг беқиёс хизматлари борлигини таъкидлади. Ўтган 15 йил мобайнида тадбиркорлик ва фермерлик ҳаракатини ривожлантириш борасида амалга оширилган ишлар ва эришилган ютуқлар юзасидан атрофлича фикрлар алмашдилар.

Мулоқотлар чоғида вилоятдаги бошланғич партия ташкилотлари билан ишлаш, тадбиркор ва фермерларни қўллаб-қувватлаш, партия фаоллари билан бевосита мулоқотларни ташкил этиш партия олдида турган энг муҳим ва айтиш мумкинки, бирламчи масала эканлиги алоҳида таъкидланди.

Гулнора Абдувалиева раҳбарлик қилаётган "Гулнора юлдузлари" хусусий тадбиркорлик ўқув ва ишлаб чиқариш марказида давом этган мулоқотларда эса вилоятда аёлларни касаначилик фаолиятига жалб қилиш, хотин-қизларни партия сафига кенгроқ жалб қилиш масалаларига эътибор қаратилди. Вилоят кенгаши "Аёллар қаноти" томонидан ташкил этилган мазкур учрашувда хотин-қизлар билан ишлашга янада жиддийроқ эътибор қаратиш лозимлиги таъкидланди.

Куннинг иккинчи ярмида партия фаоллари Оқдарё туманидаги "Р. Ҳамроев" жамоа хўжалигида жойлашган "Келажак" чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжалигига ташриф буюрдилар.

O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ва партия вилоят Кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган махсус тадбирлар белгиланган режага мувофиқ, бугун Самарқанд шаҳри ва Самарқанд туманида давом этади.

ШАРҲЛАР, ДАЛИЛЛАР, ВОҚЕАЛАР,

O`zLiDeP Матбуот хизмати хабар қилади

Кун тартибида: ёшлар фаоллигини ошириш

Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтида O`zLiDeP Тошкент шаҳар кенгаши билан ҳамкорликда O`zLiDeP "Ёшлар қаноти"ни фаоллаштириш: муаммо, изланиш ва ечимлар" мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Улар Тошкент шаҳар кенгашининг ёшлар билан ишлаш бўлими ва унинг ҳудудий ташкилотлари партия аъзоларининг ташаббускорлиги, сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш, мавжуд муаммоларни ҳал этиш каби масалалар муҳокама этилди. Сўзга чиққанлар, ёшларни иш билан таъминлаш, уларнинг ҳуқуқий ва сиёсий саводхонлик даражасини ошириш, фаол фуқаролик қарашлари, ишбилармонлик ва тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, таълим муассасаларида таҳсил олаётган, шунингдек, маҳалла ёшлари билан мунтазам равишда иш олиб бориш жойлардаги партия ташкилотлари олдида турган муҳим вазифалар эканлигига эътибор қаратдилар.

«Ҳомийлик — олий қадрият»

"Ҳомийлар ва шифокорлар йили" давлат дастури ижросини таъминлашга O`zLiDePнинг жойлардаги ташкилотлари муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Учқудуқ туман кенгаши, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг туман бўлими, хотин-қизлар қўмитаси ҳамда маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳамкорлигида ўтказилган анжуман "Ҳомийлик — олий қадрият" деб номланди. Унда мазкур йўналишдаги давлат дастурини ҳаётга татбиқ этиш, кам таъминланган оилалар, ногиронлар, ёлғиз кексаларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш борасида амалга оширилаётган ишлар атрофлича муҳокама этилди. Анжуманда жойлардаги партия ташкилотларининг маҳаллий тадбиркорлар билан ҳамкорликларини янада мустаҳкамлаш, уларнинг ҳомийлик ташаббусларини руёбга чиқаришда ҳар томонлама кўмак бериш лозимлиги таъкидланди.

Саломатлик — туман бойлик

Инсон саломатлиги, ҳозирги давр тиббиётининг янги ютуқларига таянган ҳолда дунёда илғор ўринларга интилаётган Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизимини янада ривожлантириш, оналик ва болаликни муҳофаза этиш O`zLiDeP дастуридаги асосий йўналишлардан биридир.

Уларни амалиётга татбиқ этиш мақсадида партиянинг жойлардаги тузилмаларида мунтазам равишда учрашувлар, семинарлар ва давра суҳбатлари ўтказиб келинмоқда. 15 июль куни Хива шаҳридаги 5-мактабгача таълим муассасасида партиянинг туман кенгаши томонидан "Соғлом авлод — юрт корига ярайди" мавзуида ўтказилган учрашув соғлом авлод тарғиботи, аҳолининг тиббий маданиятини ошириш чора-тадбирлари ҳамда оналар ва болалар саломатлигини сақлашга бағишланди. Туман халқ таълими бўлими билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу тадбирда, шунингдек, болаларда учрайдиган турли юқумли касалликларнинг олдини олиш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш каби масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Тўрақўрғонда — ёшлар байрами

O`zLiDeP Тўрақўрғон "Ёшлар қаноти" гуруҳи ташаббуси билан маиший хизмат касб-ҳунар коллежида "Битирувчи-2006" деб номланган учрашув-концерт ўтказилди. Унда ҳудуддаги барча ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг битирувчилари иштирок этдилар.

Тадбирда маҳаллий шоирлар, санъаткорлар қатнашиб, Ватанга муҳаббат, фидойилик, меҳр-муҳаббат ҳақида шеърлар ўқидилар, дилтортар куй ва қўшиқлар ижро этдилар.

Таъкидлаш керакки, ушбу учрашув тўрақўрғонлик-битирувчилар ҳаётида ўчмас из қолдирадиган воқеалардан бирига айланди. Унинг якунида партия туман кенгашининг раҳбарлари мустаҳил ҳаёт остонасида турган йигит-қизларга оқ йўл тиладилар.

ХАЛҚНИНГ ғайрати, ақли ва яхши фазилатларига йўл очиб берувчи эркинликнигина қўллаб-қувватлаш керак

ИСЛОҲОТ

ТАДБИРКОРГА МАДАДКОР

Жамоатчилик кенгашлари ишлаяпти

Аммо Хатирчи, Конимех, Нурота, Навбаҳор, Учқудуқ ва Томди туманларида улар фаолиятини қониқарли, деб бўлмайди

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 5 октябрдаги "Тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонидан сўнг назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш республика кенгаши Навоий вилоят ҳудудий комиссияси ҳузурида Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг вилоят, туман ва шаҳарлар бўлинмалари раҳбарлари бошчилигидаги жамоатчилик кенгаши ташкил этилди.

Олим ХЎЖАЕВ, «XXI asr» мухбири

— Таркибига кўзга кўринган тадбиркорлар, маҳаллалар фаоллари, жамоатчилик вакиллари киритилган мазкур кенгашимизнинг асосий вазифаси Юртбошимиз томонидан тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш юзасидан қабул қилинган фармонлар ва қарорларнинг бажарилишига оид мониторинглар олиб бориш, бу муҳим ҳужжатлар мазмун-моҳиятини тадбиркорларга тушунтириш, тадбиркорлик субъектларида ўтказилган ноқонуний текширишларни аниқлаш ҳамда уларнинг олдини олишдан иборатдир, — дейди биз билан суҳбатда Савдо-саноат палатаси ҳудудий бошқармаси бошлиғи Б. Мирзаев. — Шу мақсадда вилоят солиқ ва ички ишлар бошқармаси ёнғин хавфсизлиги бўлими, Республика бош прокуратураси ҳузуридаги СВВОЖКК департаменти, давлат санитария назорати идораси сингари қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда семинарлар ташкил этдик. Комиссия фаолиятини тарғиб қилиш мақсадида вилоят, шаҳар ва туман газеталарида мақолалар чоп этилди, маҳаллий телестудияларда кўрсатувлар ташкил этилмоқда.

Вилоят маркази, шаҳарлар ва туманлардаги йирик савдо марказлари, бозорлар, автошоҳбекатлар ҳудудларида тадбиркорлар учун "Ишонч қутилари" ўрнатилди. Ўтган давр мобайнида кенгашга тадбиркорлик субъектларидан келиб тушган шикоят ва аризаларнинг бирортаси ҳам эътибордан четда қолмади. Жумладан, Зарафшон шаҳридаги "Якунин и К" ҳамда "Доно Лин" хусусий корхоналари раҳбарлари Зарафшон шаҳар солиқ идораси ходимлари томонидан ўтказилган текширишларнинг ноқонуний эканлиги аниқланди ва тадбиркорга нисбатан қўлланилган жарима вилоят хўжалик суди орқали бекор қилинди.

— Фармон ижросини таъминлашда O`zLiDeP аъзолари ҳам фаол иштирок этишаяпти, - дейди O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши аъзоси, вилоят жамоатчилик кенгаши раиси ўринбосари Убайдулла Омонов. — Жойлардаги депутатлар гуруҳлари аъзолари ишимизга яқиндан кўмак беришмоқда.

Суҳбатимиз давомида таниқли тадбиркор, O`zLiDeP фаоли яна бир фикрга эътиборимизни қаратди.

— Жамоатчилик кенгаши фаолиятини амалга ошириш жараёнида айрим тадбиркорларимизнинг ноқонуний равишда текширувга келган назорат органлари ходимлари билан ўзаро келишувга мойиллигига ҳам гувоҳ бўлдик, — дейди У. Омонов. — Президентимиз тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоялаш тўғрисида қатор фармон ва қарорлар қабул қилиб, уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаб турган бир пайтда, ҳақиқий тадбиркор бундай йўл нийлиги бўйича, карманалик якка тартибдаги тадбиркор Қаҳрамон Ашуров Самарқанд вилояти ҳудудидаги Лойиш ДАН масканида Оқдарё тумани солиқ инспекцияси ходимлари унга тегишли бўлган 1 млн. сўмлик молларни ноқонуний олиб қўйилганлиги юзасидан, навбаҳорлик тадбиркор Камолиддин Шодмонов Учқудуқ туман солиқ идораси вакиллари Учқудуқ марказий бозорида ўзига тегишли 220 минг сўмлик буюмларни қонунга зид равишда тортиб олишгани хусусида, қалқоноталик хусусий тадбиркор Д. Тошева эса Навбаҳор туман солиқ идораси вакиллари томонидан ўзига тегишли маҳсулотлар ҳеч қандай ҳужжатларсиз олиб қўйилгани бўйича ариза билан мурожаат қилишганди. Ушбу аризаларнинг ҳақиқатга нақадар мос келиши юзасидан жамоатчилик кенгаши савдо-саноат палатаси билан ҳамкорликда ўрганишлар олиб борди ва тадбиркорлар ҳуқуқлари ҳимоя қилинди. Жумладан, Зарафшон шаҳридаги "Якунин и К" корхонасида шаҳар солиқ инспекцияси ходимлари томонидан ўтказилган текширув ноқонуний эканлиги аниқланди ва тадбиркорга нисбатан қўлланилган жарима вилоят хўжалик суди орқали бекор қилинди.

— Фармон ижросини таъминлашда O`zLiDeP аъзолари ҳам фаол иштирок этишаяпти, - дейди O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши аъзоси, вилоят жамоатчилик кенгаши раиси ўринбосари Убайдулла Омонов. — Жойлардаги депутатлар гуруҳлари аъзолари ишимизга яқиндан кўмак беришмоқда.

Суҳбатимиз давомида таниқли тадбиркор, O`zLiDeP фаоли яна бир фикрга эътиборимизни қаратди.

— Жамоатчилик кенгаши тутмаслиги, ўз ҳақ-ҳуқуқлари, шунинг билан бир пайтда давлат ва жамият олдидаги бурчини чуқур англаши зарур.

Айрим ҳудудларда, хусусан Хатирчи, Конимех, Нурота, Навбаҳор, Учқудуқ ва Томди туманларидаги жамоатчилик кенгашлари ушбу муҳим ҳужжатни тадбиркорларга атрофлича тушунтириш бўйича етарли иш олиб бормаяптилар. Кенгашлар йиғилишлари юзаки ўтказилаяпти, тадбиркорлар билан учрашувлар, маҳаллий ОАВ орқали чиқишлар қилинмаётганлиги туфайли жойларда айрим назорат органлари томонидан ноқонуний аралашув ҳолларига ҳамон барҳам берилмаяпти. Биз ушбу ҳолатларни чуқур таҳлил қилиб чиқдик. Ўйлаймизки, энди бу жойларда ишлар жонлантирилади ва тадбиркорлик субъектлари жамоатчилик кенгашлари ҳимоясини амалда сеза бошлайдилар.

Пойтахтимиздаги "VISO" ОАЖ Ўзбекистон-Австрия қўшма корхонасида соф чармдан тайёрланаётган оёқ кийимлар сифати, мавсумбоплиги, қулай ва арзонлиги билан харидорлар диққатини тортмоқда.
Ички ва ташқи бозорнинг яхши ўрганган корхона мутахассислари маҳсулотларнинг сифати, рақобатбардошлиги билан боғлиқ муҳим жиҳатларга алоҳида эътибор бериб, янги моделлар яратиш борасида изланмоқдалар. Бугунги кунда мазкур корхонада 100 нафарга яқин маҳаллий йигит-қизлар иш билан таъминланган.

Солиҳ ЗОИР олган сурат.

УЧРАШУВ

Тараққиёт одимлари

Хоразм вилоятида O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси аъзолариҳамда партия фаолларининг тадбиркорлар, фермерлар ва кичик бизнес вакиллари билан учрашувлари бўлиб ўтди

Юртимизда тадбиркорлик ва фермерлик ҳаракати тобора кенг қулоч ёймоқда. Президентимизнинг шу масалага оид фармонлари, ҳукумат қарорлари ва тегишли қонунлар тармоқ ривожини таъминлаш, иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришда ҳал қилувчи аҳамият касб этаётир.

Тузалбой РАҲИМБОЕВ

Тадбиркорлик ва фермерлик соҳасидаги муаммолар ечимини топиш, мавжуд тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш, мулкдорларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фаолиятининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Бу борада кўпгина ишлар амалга оширилаяпти. Ижроия қўмита ҳузурида "Тадбиркорлик ва фермерликни қўллаб-қувватлаш" жамоатчилик кенгашининг тузилганлиги алоҳида эътиборга моликдир.

Сиёсий Кенгаш Ижроия қўмитасининг махсус фармойишига асосан, Хоразм вилоятида партия фаоллари, тадбиркорлар, фермерлар ва кичик бизнес вакиллари иштирокида ўтказилган давра суҳбати партия электорати билан ишлаш, фермерлик ва тадбиркорлик ҳаракатини янада ривожлантириш борасидаги муҳим вазифаларга бағишланди. O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси М.М. Тешабоев тадбирни очар экан, партия илгари сураётган дастурий вазифалар ва уларнинг ижроси хусусида тўхталди. Таъкидланганидек, ислоҳотлар самараси ўлароқ, кейинги йилларда ишлаб чиқаришни ривожлантириш борасида салмоқли ютуқларга эришилди. Тадбиркорлик ва фермерлик ҳаракати учун кенг йўл очилган. Энг муҳими, уларнинг ялпи маҳсулотдаги улуши тобора ортиб бормоқда. Мамлакатимиз тараққиётида янги босқич бошланди. Бу эса, мавжуд ички имкониятлардан оқилона фойдаланиш, мулкдорлар сафини янада кенгайтириш, улар фаолияти билан боғлиқ муаммоларни босқичма-босқич ҳал этишни кун тартибига қўймоқда.

Ўзбекистон Фермер хўжаликлари уюшмаси раиси С. Қобилов сўзга чиқиб, қишлоқ мулкдорларининг ҳуқуқий билим ва малакасини ошириш, уларнинг ишлаб чиқариш жараёнидаги иштирокини кенгайтириш борасидаги вазифаларга тўхталди. Фермер хўжаликлари уюшмаси вилоят филиали билан O`zLiDeP вилоят кенгаши ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш бу борада муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиздир. Фермерлик ва тадбиркорлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш истиқбол сари кенг йўл очишини унутмаслик лозим.

— Мана, жорий йилнинг ет-тинчи ойи ўтиб бормоқда, — дея таъкидлади хазорасплик фермер Ж. Абдураимов. — Биз эса 2005 йилги ҳосил учун пахта тозалаш корхоналари томонидан тўланиши лозим бўлган 20 фоизлик устама пулини ҳалигача олганимиз йўқ. Сабабини сўрасанг, турли баҳоналарни рўкач қилишади. Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкнинг туман филиали эса, чорва моллари харид қилиш учун мўлжалланган имтиёзли кредит ажратиш масаласини пайсалга солиб келмоқда. Шунингдек, Урганч туманидаги "Баҳром" фермер хўжалиги раҳбари М. Раҳмонов, "Мини" масъулияти чекланган жамият раиси А. Қаландаров ва бошқалар ҳам сўзга чиқиб, жойларда лизинг имкониятларини кенгайтириш, тадбиркорлик субъектлари учун қулай шарт-шароит яратиш, кредит фоизлари миқдорини камайтириш, шартнома интизомини таъминлаш билан боғлиқ масалалар хусусида фикр юритдилар.

Халқ депутатлари Урганч тумани кенгаши депутати, O"zLiDeP аъзоси Е. Бобожонов қишлоқларда деҳқонлар ва фермерлар учун мўлжалланган маиши, техник, сервис хизмат кўрсатиш шохобчаларини кенгайтириш лозимлигига эътиборни қаратди.

O`zLiDeP вилоят кенгашининг шу куни бўлиб ўтган кенгайтирилган йиғилиши кичик бизнес, тадбиркорлик ва фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш борасида партия электоратолдида турган вазифаларга бағишланди. Тадбирда сўзга чиққанлар жойларда ижро интизомини мустаҳкамлаш, мулкдорлар онг ва шуурига партия ғояларини сингдириш бўйича олиб борилаётган ишларга ўхталиб, ўз фикр-мулоҳазаларини баён қилдилар.

Сиёсий Кенгаш Ижроия қўмитаси аъзолари шу куни Хива ҳаридаги "Хива-Карпет" қўшма корхонасида бўлиб, ишлаб чиқариш жараёни билан яқиндан танишишди. Корхонада ўнлаб O`zLiDeP аъзолари меҳнат қилишмоқда. Халқаро андозаларга мос, юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришдуларнинг ҳиссаси катта бўлаётир. Қўшкўпир туманидаги "Нулло" фермер хўжалиги фалияти ҳам тадбир иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди. 1995 йилда ташкил этилган хўжалик 200 гектардан зиёд экин майдонига эга. Пахтачилик, ғаллачилик, боғдорчилик тараққиёт йўлига тушиб олган. Бултур ана шу соҳалардан 128 млн. сўм даромад қилинганлиги эътиборга моликдир.

Бир сўз билан айтганда, Хоразм диёрида бўлиб ўтган ушбу тадбир мулкдорлар қатлами мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда ҳал қилувчи кучга айланиб бораётганини яна бир карра намоён этди. Уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, муаммоларни ҳал қилишда яқиндан ёрдам кўрсатиш жойларда биринчи даражали вазифага айланиши лозим. Зеро, кичик бизнес, фермерлик ва тадбиркорлик фаолияти учун кенг йўл очиш турмуш фаровонлигини таъминлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир.

Ўзаро мулоқотлар чоғида тўпланган тажрибалар ўртоқлашилди, мавжуд муаммолар ва уларни ҳал этиш имкониятлари ҳақида муҳим таклиф-мулоҳазалар ўртага ташланди.

«XXI ASR» ХАТҚУТИСИДАН

Саволларга ҳуқуқшунос Акром БЕРДИМУРОДОВ жавоб беради

Белгиланган тартибга риоя қилиниши лозим

"Мен балиқ гўштини кўпроқ хуш кўраман. Лекин сўнгги пайтларда Тошкент бозорларида тирик балиқ кам сотилаяпти. Бунинг сабаби нимада? Илгари ёзнинг қоқ жазирамасида ҳам балиқ сотиб олиш мумкин эди-ку...

Мухлиса КАРИМОВА,
Тошкент шаҳри".

— Тошкент шаҳар Давлат бош санитария врачи томонидан 2006 йил 10 мартда чиқарилган ва пойтахтимиздаги деҳқон бозорларига жўнатилган 6-2 сонли қарорда, жумладан, шундай дейилади: "2006 йилнинг 11 мартидан бошлаб "Тошбозортайёрловсавдо" уюшмасига қарашли деҳқон бозорлари ҳудудида совутгич ускуналари билан махсус жиҳозланмаган жойлар ва расталар орқали гўшт, қийма, балиқ ва балиқ маҳсулотлари, тухум, сут ва сут маҳсулотлари, кремли қандолатлари, лағмон ва норин хамири, товуқ гўшти, колбаса маҳсулотлари, салатлар ҳамда уй шароитида тайёрланган консерва маҳсулотлари, келиб чиқиши номаълум бўлган, сифатини кафолатловчи ҳужжатлари бўлмаган ўсимлик ёғи сотилишини тақиқлайман".

Кўриб турганингиздек, юридик ва жисмоний шахслар томонидан юқорида тилга олинган маҳсулотларнинг махсус жиҳозланмаган, санитария қоидалари ва меъёрлари талабларига жавоб бермайдиган жойларда сотилиши ман этилмоқда.

Деҳқон бозорларининг мутасаддилари бу ҳақда жиддийроқ ўйлаб кўриб, тегишли хулоса чиқаришлари лозим. Маълум бўлишича, бозорлар ҳудудида ташкил этилган махсус ҳовузчалар орқали ҳадемай тирик балиқ сотиш йўлга қўйилади.

Ерни мендан олиб қўйишадими?

"Мен шу йил бошида ўтказилган тендерда ғолиб чиқиб, 20 гектар ерга эгалик қилиш ҳуқуқини қўлга киритдим. Буғдой ҳосили баракали бўлди. Лекин 12 гектарга экилган чигит текис униб чиқмади. Чунки ерга вақтида яхши ишлов бера олмадик. Шунинг учун хавотирдамиз. Режани бажара олмасак, ерни олиб қўйишлари мумкинми? Умуман, фермер хўжалиги қандай ҳолларда тугатилади?"

Тиркаш ХОЛМАМАТОВ,
Жиззах вилояти".

— Амалдаги қонунчиликка мувофиқ, ҳосил топшириш режаси уч йил давомида сурункасига бажарилмаган, ердан унумли фойдаланилмаган тақдирда фермер хўжалигига қарашли ер майдонлари туман ҳокимлиги қарорига асосан олиб қўйилиши мумкин.

Шунингдек, хўжалик фаолиятини давом эттириш имкониятига эга бўлган хўжалик аъзоси ёки меросхўр қолмаган бўлса, фермер хўжалиги банкрот деб эълон қилинса, ер олинган пайтдан эътиборан бир йил мобайнида ишлаб чиқариш йўлга қўйилмаган тақдирда, фермер хўжаликлари фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари бир неча марта ёки бир марта, лекин қўпол равишда бузилган ва бошқа ҳолларда фермер хўжалигини тугатиш масаласи кўриб чиқилади.

Меҳнат дафтарчасидаги ёзувлар қонуний асосдир

"Бир неча йилдан бери фермерлик фаолияти билан шуғулланаман, ҳадемай пенсияга чиқишим керак. Айтинг-чи, фермерларнинг меҳнат стажи ва даромади қай тартибда ҳисобланади? Шу ҳақда билишни истардим.

Маткарим ХЎЖАНИЁЗОВ,
Хоразм вилояти".

— Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўланган барча даврлар фермернинг меҳнат стажига киради. Бу эса, фермер хўжалиги раҳбари ёки ходимига пенсия ҳамда давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақалар тайинлашда меҳнат стажини ҳисоблаш учун муҳим асосдир. Таъкидлаш керакки, фермер хўжалиги раҳбари ёки ходимининг вақтинча меҳнатга лаёқатсиз бўлган даврлари ҳам бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўланишидан қатъий назар, пенсия ва давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақа тайинлаш учун меҳнат стажига қўшилади.

Меҳнат стажини ҳисоблаб чиқишда тўланган бадал суммалари ушбу йилнинг барча ойлари учун белгиланган энг кам бадалдан кам бўлмасагина, мазкур йил стажига календарь йили сифатида қўшилади.

Стажни ҳисоблаш жараёнида фермер хўжалиги раҳбари ёки ходимининг фаолият тури ҳам ҳисобга олиниши мумкин. Дейлик, агар тўлиқ календарь йили мобайнида фермер хўжалиги раҳбари ёки ходими қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва қайта ишлаш билан шуғулланган, тегишли бадаллар камида 9 ой мобайнида тўланган бўлса, бу стажга календарь йили сифатида қўшилади.

Фермер хўжалиги раҳбари ёки ходимига пенсия ёки ижтимоий суғурта бўйича нафақа тайинлаш учун зарур бўладиган меҳнат стажини ҳисоблаб чиқишда меҳнат дафтарчасидаги қайдлар қонуний асосдир.

АЗИЗ ГАЗЕТХОНЛАР!

Биз Сизни қизиқтирган саволларга жавоб беришдан доимо мамнунмиз.

Марҳамат, саволларингизни қуйидаги манзилга йўллашингиз мумкин: 700051, Тошкент шаҳри, Нукус кўчаси, 73а-уй.

Мурожаат учун телефон: 55-70-16.

2006 йил 20 июль
Пайшанба
29 (135) -сон
www.21asr.com
XXI ASR

ЖАРАЁН

ИСТЕЪДОДЛИ ва меҳнатга муҳаббатли одам учун ҳеч қандай тўсиқ йўқ

Шамми, Авазмалик, Муғултой ва Учуйлилик касаначилар

O`zLiDeP фаолларига айланмоқдалар

- БИЗГА ШУНДАЙ ШАРОИТНИ ЯРАТИБ БЕРАЁТГАН ПРЕЗИДЕНТИМИЗГА РАҲМАТЛАР АЙТАМИЗ...
- АЙНИ ПАЙТДА ЮЛДУЗ МАМАДИЁРОВА РАҲБАРЛИК ҚИЛАЁТГАН ГУРУҲДА ТУМАННИНГ 9 ТА ҚИШЛОҒИДА ЯШОВЧИ 300 ГА ЯҚИН ХОТИН-ҚИЗ МЕҲНАТ ҚИЛАЯПТИ...
- ОДДИЙ ҚИШЛОҚ АЁЛИНИНГ ЖОНКУЯРЛИГИ, ТАШАББУСКОРЛИГИ БОИС, ОИЛАЛАРНИНГ МОДДИЙ ФАРОВОНЛИГИ ОШАЯПТИ...

АКС-САДО

Сайфулла ИКРОМОВ, «XXI asr» мухбири

Санама, йўрма кашталарини томоша қилган ҳар қандай кишининг кўзлари қамашиб, бу мўъжизани яратган моҳир қўллар соҳибасига чин дилдан тасаннолар айтади.

Юлдуз Мамадиёрова бугунги кунда ана шу қадимий санъат мактабини дунёга кўз-кўз қилаётган тадбиркорлардан бири. Ниҳоятда сермеҳнат, аммо фахрли касб эгалари хонадонида вояга етган қизалоқ миллий ҳунармандчилигимизга, хусуан, халқимизнинг юксак маданият белгиси ҳисобланган каштачиликка меҳр қўйиб улғайди. У тушларида нақшинкор жилолар, ранг-баранг гулларни кўрар, сўнг уларни матога туширишга, ажойиб санъат асари яратишга ҳаракат қиларди. Раҳматли онаси Зулфия опа болалигиданоқ қизларини ҳунар эгаллашлари учун жон куйдирар, айниқса, узоқ қиш кечалари қизларини атрофига йиғиб, каштачилик сирларини эринмай ўргатарди. Она фарзандларини меҳнатсевар, тиришқоқ ва сабр-бардошли бўлишлари учун бор кучини сарфлаб, бу ҳунар ҳаётларида бир кун келиб, асқотиб қолишини такрорлашдан сира чарчамасди. Миллий каштачилигимизни қайта тиклаш, бу нафис санъатни дунёга кўз-кўз этиш орзуси Юлдузнинг қалбида ўша кезларда туғилган бўлса, ажаб эмас.

Мактабни битиргач, жаҳон тиллари университетига ўқишга кирди. Аммо талабалик йилларида ҳам турли нақшлар чизиб, қаерда қадимий кашталаримизни кўрса, улардан андоза олиб, матога инкишоф этиш одатини ташламади. Университетни битиргач, тумандаги Садриддин Айний номли мактабда муаллимлик қилди. Болаларга хориж тилини ўргатиш борасида қатор янгиликлар яратди. Унинг шогирдлари мактабдан французча қўшиқ айтиб қайтишар, устозларини ниҳоятда ҳурмат қилишарди. Ўша йили уни француз тили ўқитувчиларининг малакасини ошириш бўйича семинарга таклиф этишди. Аммо тадбир унга ёқмади. Худди шундай семинарни ўз мактабида жонли ва қизиқарли қилиб ўтказишга аҳд қилди. Елиб-югуриб ҳомий топди ва синф хонасини чиройли қилиб безади. Турли мутахассислар билан маслаҳатлашди. Семинарга шу қадар зўр тайёргарлик кўрилдики, бундан хабар топган Франциянинг Ўзбекистондаги элчиси анжуманда иштирок этиб, француз тилига ихлос қўйган бу ўзбек муаллимасига чин юракдан миннатдорлик билдирди. Шундан сўнг Юлдуз мактабда "Чет тиллар ўқитиш маркази"ни ташкил этди. Дастлабки йил марказда хориж тилини ўрганган 15 нафар ўқувчиларнинг ярми олийгоҳ талабаси бўлди. Кейинчалик бу ерда инглиз ва бошқа чет тиллари ҳам чуқурлаштирилган ҳолда ўргатила бошланди.

2003 йилда Юлдуз Мамадиёрова Францияда малака ошириб қайтди. Париж ярмаркаларини томоша қилар экан, ўзи билан олиб борган миллий нақшларимиз солинган кашталарни хорижликларга кўрсатди. Уларни қадимий ҳунармандчилигимизга бўлган қизиқишларидан ҳайратга тушди. Бу унинг болалик орзуларини рўёбга чиқариш учун кучли туртки бўлди. 2004 йили қишлоқларда ишсиз ўтирган қўли гул чеварлар, моҳир каштадўзларни бир жойга тўплаб, ишга жалб этди. Қадимий кашталардан андозалар олиниб, бўёқ ва ипаклар танланди. Дастлабки маҳсулотлар тайёр бўлгач, тест синовлари топшириб, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш бўйича Америка сафарига отланди. У ўз маҳсулотлари билан ўзбек ҳунармандчилигига бағишланган кўргазмаларда қатнашди. Нозиктаъб хорижликларнинг талабини ўрганди. Шу тариқа қадимий андозалар асосида мустақил равишда кашталар яратишга киришди. XIV асрда тикилган "Қалампирмунчоқ" каштасини қаерлардандир излаб топиб, қайта тиклади, унга янгича жило берди. Қишлоқларни кезиб, кекса момолар билан суҳбатлашди, уларда сақланаётган кашталардан андоза олиб, бир жойга тўплай бошлади. Шаҳрисабзнинг "Ироқи каштачилик мактаби" шу тариқа дунёга келди.

Дастлаб 70 нафар касаначи жалб этилиб, ишбай маош тўлана бошланди. Маҳсулот сифати ва миллийлигига алоҳида эътибор қаратилаётганлиги туфайли уларга бўлган қизиқиш орта бошлади. Бугунги кунга келиб, тумандаги Шамми, Авазмалик, Муғултой, Учуйли қишлоқларида истиқомат қилаётган юзлаб хотин-қизлар каштачилик билан астойдил шуғулланмоқдалар.

— Юлдузхонга раҳмат, — дейди Дўнгқишлоқда яшовчи касаначи Ҳурматой Йўлдошева. — Мен каби уйда ишсиз ўтирган юзлаб аёлларни иш билан таъминлади. Қизларим Мўмина, Замира, Камолалар билан бўш вақтимизда кашта тикамиз. Тайёр бўлгач, уни топширишимиз билан иш ҳақимизни беришади. Шу туфайли рўзғоримизга барака кирди. Олган иш ҳақимни қизларимнинг сепига сарфлаяпман. Замира қизим "Нақшлар мажмуаси" деб аталган кашта учун иш ҳақига тилла узук сотиб олди. Фақат бўш вақтимиздангина унумли фойдаланиш ҳисобига, ойига ўртача 300 минг сўмдан топаяпмиз. Юлдузхон қилган меҳнатимизни қадрлайди, иш ҳақидан ташқари, яхши ишлаганларга мукофот ҳам бериб туради. Байрамларда тўпланишиб, ўйин-кулгу қиламиз. Бизга шундай шароитни яратиб бераётган Президентимизга раҳматлар айтамиз. Энди бўш вақтимизни қизғанадиган бўлиб қолдик...

Айни пайтда Юлдуз Мамадиёрова раҳбарлик қилаётган гуруҳда туманнинг 9 та қишлоғида яшовчи 300 га яқин хотин-қиз меҳнат қилаяпти... Иш бошқарувчи Мавжуда Холиқованинг эса қўли-қўлига тегмайди. Хом ашё бўйича менежер Манзура Ғуломова, дизайнер Муҳайё Ғуломоваларни доимо иш устида учратасиз. Юлдуз ўз маҳсулотларини интернет орқали реклама қилаяпти. Хорижликлар учун ташкил этилаётган барча кўргазмаларда қатнашиб, харидорлар билан шартномалар имзоламоқда. Оддий қишлоқ аёлининг жонкуярлиги, ташаббускорлиги боис, оилаларнинг моддий фаровонлиги ошаяпти...

— 2006 йил мен учун жуда қувончли йил бўлди, - дейди Юлдуз, — Президентимизнинг "Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасидаги кооперациясини кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони матбуотда эълон қилингач, олдимизда турган айрим тўсиқлар барҳам топди. Фаолиятимизни бошлаганимизга икки йилдан кўпроқ вақт ўтган бўлса-да, корхона қуриш учун жой ололмасдик. Ҳозиргача ўз уйимдан офис сифатида фойдаланиб келяпман. Фармондан сўнг касаначиликка эътибор кучайди. Қорапойча қишлоғидан корхона қуриш учун ер ажратиб беришди. Ҳадемай қурилиш ишларини бошлаб юборамиз. Корхонамиз битгач, тумандаги минглаб ишсиз хотин-қизларни иш билан таъминлаб, яхшигина даромад олишлари учун имконият яратамиз. Ўз транспорт воситаларимизда хом ашё тарқатамиз, тайёр маҳсулотни йиғиб оламиз, ёш қизларимизга ҳунар ўргатиш мақсадида "Ироқи каштачилик мактаби" фаолият кўрсатади. Битта нақшинкор маҳсулотни тайёрлаш учун каштачи қизлар бир ойча вақт сарфлашади. Уларни ипак, бўёқ ва канаа материали билан ўзимиз таъминлаймиз. Харидорларимиз, асосан хорижликлар бўлгани учун маҳсулот сифтига алоҳида эътибор қаратилди. Ишимизни ривожлантириш учун канава материали зарур. Кашта солиш учун бошқаси ярамайди. Соф ипакдан нақшлар солинадиган бу сунъий тола фақат хорижда ишлаб чиқарилади. Чет элда ўсадиган "Индиго" ўсимлигидан сифатли бўёқ олиш мумкин. Биз бу ўсимликни Шаҳрисабзга келтириб, маҳаллий шароитга мослаштириб олдик. Келгусида ундан бўёқ олиш технологиясини ҳам ўзлаштирмоқчимиз.

"Ироқи аштачилик мактаби" раҳбари аёллар ўртасида ишсизликни камайтириш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш каби эзгу мақсадлар йўлида идокорлик билан иш олиб бораётир. У Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси аъзоси сифатида тадбиркорликни ривожлантириш орқали ишсизликни камайтириш, халқ фаровонлигини ошириш тарафдори. Шу боис, партиянинг дастурий ғояларини, айниқса, хотин-қизларнинг фаоллигини ошириш борасидаги мақсадларини қишлоқ аёллари ўртасида кенг тарғиб қилаётир.

— Орзуларим бисёр, — дейди Юлдуз суҳбат чоғида. — Касаначиларнинг касб маҳоратларини янада ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, харидорларнинг талаб ва истаклари асосида иш юритиш олдимизда турган энг муҳим вазифалардир. Шу мақсадда тинимсиз изланяпмиз, янги-янги кашфиётлар қилаяпмиз. Қизларим Лола, Зарина, Маржоналар ҳам каштачилик сирларини эгаллашиб, касаначилар сафига қўшилишди. Қийналган кезларимда дизайнер Муҳайё ёрдамга келди. Унда катта истеъдод бор. Мен O`zLiDeP аъзоси сифатида жамият ҳаётидан ажралиб қолган қишлоқ аёлларининг маънавий дунёсини бойитиш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш, касбий маҳоратини ошириш, миллий каштачилигимизнинг янги қирраларини кашф этиш ва пировардида, ўзбек каштачилигини жаҳон бозорига олиб чиқиш йўлида бор куч ва имкониятимни сарфлашга ҳаракат қилаяпман. Бугун ўзбек аёлининг тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириши учун барча шароит бор. Фақатгина меҳнат қилишдан қочмаслик керак.

ФАРМОН ВА ИЖРО

Бизга жавоб берадилар

«Газ қулфи кимнинг қўлида?»

("XXI asr", 2006 йил 16 март, 11(117)-сон)

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 2 октябрдаги 421сонли қарорига асосан, республикадаги барча ҳудудий газ таъминоти корхоналари юридик шахс мақомига ва мустақил балансга эга. "Бошкоммунгаз" корхонаси ушбу қарорга мувофиқ тугатилган.

Газ хўжаликлари тегишли ускуналардан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган ҳудудий таъминот корхоналари билан тўғридан-тўғри шартнома тузиш орқалигина фойдаланишлари мумкин.

Таъкидлаш лозимки, юқорида қайд этилган ҳукумат қарорига мувофиқ, етказиб берилган табиий газ учун дебитор қарздорлиги бўлган истеъмолчиларни тармоқдан узиб қўйиш ва газ ҳисоблагичлар созлигини таъминлаш мақсадида янги хилдаги бир маротабалик пломбаларни қўллаш кўзда тутилмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йилда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисида энергия ресурсларидан тежаб-тергаб фойдаланиш масаласига жиддий эътибор қаратилганлиги кўпчиликка яхши маълум. Шундан келиб чиқиб, айни кунда Вазирлар Маҳкамаси томонидан тегишли қарор лойиҳаси тайёрланмоқда.

О. АҲМЕДОВ,
"Ўзкоммунхизмат" агентлиги бош директорининг ўринбосари.

«Маҳалла ҳуснидаги доғ»

("XXI asr", 2006 йил 27 апрель, 17(123)-сон)

"Маҳалла ҳуснидаги доғ" мақоласида тилга олинган қурилиши тўхтаб қолган турар-жой биноси Архитектура ва қурилиш бош бошқармаси ходимлари томонидан воқеа жойига чиқиб ўрганилди.

Ушбу иншоот шаҳар капитал қурилиш бош бошқармасига қарашлидир. Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашининг 1978 йил, 18 августдаги 581-16 сонли қарорига асосан С. Раҳимов тумани, С. Калонов даҳаси, Қорасув ва Домаши каналлари оралиғида жойлашган 24 гектар ўлчамдаги ер майдонида кўп қаватли турар-жой бинолларини қуриш кўзда тутилмоқда.

2006 йил 12 май куни бош бошқарма ходимлари, Аҳмад Яссавий номли маҳалла раиси Ш. Тўлаганова, "Аҳмад Яссавий коммуналчи" ширкати раҳбари Ф. Абдусаломов ҳамда маҳалла вакиллари иштирокида сайёр йиғилиш ўтказилди. Мутахассислар томонидан тушган саволларга атрофлича жавоб қайтарилди.

"Аҳмад Яссавий коммуналчи" ширкати раҳбари Ф. Абдусаломовга маҳалла ҳудудида озодаликни таъминлаш ва бажарилган ишлар юзасидан бош бошқармага ёзма равишда билдириш тақдим этиши лозилиги ҳақида кўрсатма берилди.

А. ХЎЖАЕВ,
Тошкент шаҳар Архитектура ва қурилиш бош бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари.

«Шоҳи белбоққа бўз ямоқ»

("XXI asr", 2006 йил 11 май, 19(125)-сон)

Тошкент шаҳар, Сирғали тумани 7-мавзесидаги қуриб битказилмаган болалар боғчаси биноси "Гулистон" маҳалласи ҳудудида жойлашган, майдони 10,0 гектарни ташкил қилади. Мавжуд ҳолат маҳалла раиси Ж. Осмонов, "Гулзор-Сервис", "Гулистон тонги" уй-жой мулкдорлари ширкатлари раҳбарлари ҳамда Тошкент шаҳар санитария-эпидемиология назорати маркази ходимлари иштирокида ўрганиб чиқилди, тегишли тадбирлар белгиланди.

Айни кунда боғча биноси билан 300, 317 сонли мактаблар оралиғидаги майдонда тозалик-ободончилик ишлари олиб борилмоқда.

8-мавзеда тозалик ҳолатини таъминлаш бўйича Собир Раҳимов номли маҳалла фуқаролар йиғини, "Бўстон коммунал", "Нарпай коммунал" уй-жой мулкдорлари ширкатларига тегишли кўрсатма берилди.

Бу масала туман ҳокимлиги томонидан доимий назоратга олинадиган бўлди.

Айни кунда 7 ва 8-мавзедаги қурилиши чала бинолларни тезроқ битказиш масаласи кўрилмоқда.

Б. ТОҲИРОВ,
Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари.

ТУМАНДА 17 ТА ҚИШЛОҚ ВРАЧЛИК ПУНКТИ ФАОЛИЯТ КЎРСАТМОҚДА, ШУНДАН 7 ТАСИ ТАДБИРКОРЛАР ЁРДАМИДА ТАЪМИРЛАНИБ, ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ.

БПТ ТАШАББУСИ БИЛАН КАСАНАЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛГАЧ, КЎПЛАБ ХОНОБОДЛИК ХОТИН-ҚИЗЛАР ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАНДИ.

«XXI ASR» IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETASI ILOVASI WWW.21ASR.COM

БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

ТАБОБАТ ҲАММА САНЪАТЛАР ИЧИДА ЭНГ ОЛИЖАНОБ САНЪАТДИР

Фаоллик мезони

саломатлик посбонлари партиявий ишларда ҳам ўрнак бўлишмоқда

Ҳар бир инсон ўзича бир дунё. Вақт ўтган сайин унинг онг ва тафаккури шаклланади, ҳаётдан ўз ўрнини топишга интилади... Мана, йигирма бир йилдирки, Ботир Жўраев шифокор сифатида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш ишига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Меҳнат фаолиятини "Тез тиббий ёрдам" бўлимида оддий ходимликдан бошлаганди. Ўтган давр мобайнида тумандаги кўпгина тиббиёт муассасаларига раҳбарлик қилди, эл-юрт назарига тушди.

■ **Сайфулла ИКРОМОВ, «XXI asr» мухбири**

ЎН БЕШ ЙИЛ ДАВОМИДА ЭРИШИЛГАН ЎЗГАРИШ ВА ЯНГИЛАНИШЛАР МОҲИЯТИНИ ОДАМЛАР ОНГИГА СИНГДИРИШ, УЛАРНИ БУНЁДКОРЛИК САРИ ДАЪВАТ ЭТИШ, ҒОЯВИЙ-СИЁСИЙ ИШЛАР КЎЛАМИНИ КЕНГАЙТИРИШ ҲАР БИР ПАРТИЯ АЪЗОСИНИНГ МУҲИМ БУРЧИДИР.

Малакали мутахассис сифатида буйрак, сийдик йўллари соҳасидаги юзлаб мураккаб операцияларни муваффақиятли қуплаб мамлакатларида бўлиб, жарроҳлик амалиётларида иштирок этган қаҳрамонимизнинг тинимсиз изланиш, ўз малака ва маҳоратини ошириш асосий шиоридир. Тажрибали жарроҳ беморлар дардига малҳам бўлиш учун ширин сўзи ва ёрдамини аямайди. Айни кунда у инсонда учрайдиган юқумли, аллергик касалликларни янгича усулда даволаш мавзуида илмий иш олиб бораяпти.

Энг муҳими, қаҳрамонимиз шифокорликни сиёсий фаолият билан қўшиб олиб бормоқда. Айни кунда O`zLiDePнинг дастурий ғояларини аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш учун куч-ғайратини аямаётир. Уни ҳамиша одамлар орасида учратасиз. Туман ҳудуди анчагина катта. Айниқса, тоғолди қишлоқлар аҳолисига малакали тиббий хизмат кўрсатиш анча меҳнат ва машаққат талаб этар эди. Бош шифокорнинг саъй-ҳаракатлари билан қисқа фурсатда ўнлаб қишлоқ врачлик пунктлари барпо этилди, тиббий хизматни такомиллаштириш чоралари кўрилди.

— O`zLiDeP Дастурида, жумладан, "Партия инсон саломатлиги, ҳозирги давр тиббиётининг янги ютуқларига таянган ҳолда дунёда илғор ўринларга интилаётган Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш ривожи, оналик ва болаликни ҳимоялаш, умр узоқлигини таъминлаш йўлида курашади" каби сатрлар қайд этилган, — дейди Ботир Жўраев. — Бу, биз фаоллар зиммасига алоҳида масъулият юклайди, албатта. Партия Дастуридан келиб чиқиб, тадбиркорларнинг манфаатлари ва ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоялаш, эл саломатлигини сақлашга жиддий эътибор қаратилмоқда. Бу борада бошланғич партия ташкилотларининг алоҳида ўрни бор. Ҳозирги кунда туманимизда 202750 нафарга яқин аҳоли истиқомат қилади. 17 та қишлоқ врачлик пункти фаолият кўрсатмоқда. Шундан 7 таси тадбиркорлар ҳисобидан янги лойиҳа асосида таъмирланиб, фойдаланишга топширилди. Улар 2-туман шифохонаси қошида шошилинч тиббий ёрдам бўлимини қуриш ва жиҳозлашда ҳам беминнат ёрдам кўрсатдилар.

Ботир ЖЎРАЕВ, **1961 йилда Яккабоғ туманидаги Каттабоғ қишлоғида туғилган. Тошкент давлат тиббиёт институтининг даволаш факультетини битирган. Олий тоифали жарроҳ. Яккабоғ туман марказий шифохонаси бош шифокори, бошланғич партия ташкилоти раиси.**

Биз партиямизнинг мақсад ҳамда вазифаларини тарғиб қилар эканмиз, одамларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантиришга жиддий аҳамият бераяпмиз. Тоғолди қишлоқларида бу борада бирталай муаммолар тўпланиб келганлиги сир эмас. Дейлик, одамлар соч-соқол олдириш ёки телевизор тузатиш учун ҳам узоқ йўл юришга мажбур бўлишмоқда. Ваҳоланки, жойларда бу ишни уддалайдиган усталар кўп. Гап уларнинг бошини қовуштиришда, холос. Қишлоқ аҳолиси учун тегирмон, жувоз, сартарошхона, тикувчилик цехи ва бошқа маиший нуқталар жуда зарур. Айни кунда биз асосий эътиборни ана шу масалаларга қаратаяпмиз. Илҳом Узоқов, Инобат Ҳамроева, Муҳаммади Алиқулов, Муҳаббат Ғаниева каби фаолларимиз бу борада яқиндан ёрдам кўрсатишмоқда. Хусусан, жойларда ўтказилаётган "Саломатлик — туман бойлик", "Соғлом она — соғлом бола" мавзуидаги давра суҳбатлари кўпчиликда катта таассурот қолдираяпти.

ҲАР БИР ҚИШЛОҚ ВА МАҲАЛЛАДА ТУМАН ҲОКИМЛИГИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА «ИСТИҚЛОЛ — БУЮК НЕЪМАТ», «БИЗ ҲЕЧ КИМДАН КАМ ЭМАСМИЗ, КАМ БЎЛМАЙМИЗ ҲАМ», «БОШ МАҚСАДИМИЗ — ЖАМИЯТ ФАРОВОНЛИГИ, ҲУҚУҚИЙ-ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТ БАРПО ЭТИШ" КАБИ МАВЗУЛАРДА УЧРАШУВ ВА МУЛОҚОТЛАР ЎТКАЗИШ, ҒОЯВИЙ-СИЁСИЙ, ПАРТИЯВИЙ-ТАШКИЛИЙ ИШЛАРНИ КУЧАЙТИРИШ ҲАР БИРИМИЗГА БОҒЛИҚ МАСАЛАДИР. САФЛАРИМИЗДА ТАШАББУСКОР ЁШЛАРНИНГ КЎПАЙИБ БОРАЁТГАНЛИГИ ЭСА, МУШКУЛИМИЗНИ ЯНАДА ОСОН ҚИЛМОҚДА.

Дарҳақиқат, ҳамкорликда иш юритиш ўз самарасини бермоқда. Туман ҳокими, сенатор Зафар Рўзиев партия ташкилоти йиғилишларида тез-тез қатнашиб, фаоллар олдидаги муҳим вазифалар хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиради. Бундан кўпчилик мамнун. Яқинда бўлиб ўтган мажлисда шифокорларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш, туман миқёсида коммунал тўловларни камайтириш, Мустақиллигимизнинг 15 йиллигини муносиб кутиб олиш юзасидан тегишли тадбирлар белгиланди. Касаба уюшмаси қўмитаси раиси Рустам Узоқов шу масала бўйича сўзга чиқиб, тиббиёт муассасаларида меҳнат қилаётган ходимларнинг бепул даволанишлари, саломатликларини тиклашлари учун барча шарт-шароит яратиш зарурлигини таъкидлади. Зеро, шифокор ҳам, аввало, инсон. Бинобарин, унга кўрсатилган ғамхўрлик эл-юртга кўрсатилган ғамхўрлик, демакдир.

«БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИНИНГ ИШ ЮРИТИШ КИТОБИ» ТАЙЁРЛАНСА ВА ЖОЙЛАРГА ЕТКАЗИЛСА, НУР УСТИГА АЪЛО НУР БЎЛАРДИ. ЮЗАКИЧИЛИК ЗАМОНИ ЎТДИ. ИЧКИ ИНТИЗОМГА РИОЯ ҚИЛМАЙДИГАН, ПАРТИЯВИЙ ТОПШИРИҚЛАРНИ БАЖАРМАЙДИГАН АЪЗОЛАРГА КЕСКИН ЧОРАЛАР КЎРИШ, КЕРАК БЎЛСА ПАРТИЯ САФИДАН ЧИҚАРИШ ПАЙТИ КЕЛДИ, ДЕБ ЎЙЛАЙМАН.

— Энг улуғ ва энг азиз байрамимиз яқинлашиб келмоқда, — дея таъкидлади партия фаоли, шифокор Улуғбек Ашуров. — Бу қутлуғ шодиёнани муносиб кутиб олиш ҳар биримизнинг муҳим бурчимиздир. Мустақиллик йилларида туманимизда ҳам катта ўзгаришлар юз берди. Шаҳар ва қишлоқлар янада чирой очди, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифати тубдан яхшиланди. O`zLiDeP аъзолари бу хайрли ишлардан четда қолишаётгани йўқ, албатта. Ҳар бир қишлоқ ва маҳаллада туман ҳокимлиги билан ҳамкорликда "Истиқлол — буюк неъмат", "Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, кам бўлмаймиз ҳам", "Бош мақсадимиз — жамият фаровонлиги, ҳуқуқий-демократик давлат барпо этиш" каби мавзуларда учрашув ва мулоқотлар ўтказиш, ғоявий-сиёсий, партиявий-ташкилий ишларни кучайтириш ҳар биримизга боғлиқ масаладир. Сафларимизда ташаббускор ёшларнинг кўпайиб бораётганлиги эса, мушкулимизни осон қилмоқда. Тўғри, баъзи ҳолларда юқори ташкилотларнинг амалий ёрдамига эҳтиёж сезилади. Улар шуни ҳисобга олиб, ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш чораларини кўришса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Бу гапларга изоҳ ортиқча. Ташаббус ва ташкилотчилик кўп нарсани ҳал қилади. Тиббиёт муассасалари замонавий ускуналар билан жиҳозланган, ходимларнинг малакаси муттасил ошириб борилаяпти. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида уруш ногиронлари, уларга тенглаштирилганлар, ёлғиз қариялар, кам таъминланган оилалар, туғруқ ёшидаги хотин-қизлар, болалар ва ўсмирлар тиббий кўрикдан ўтказилиб, уларга зарур ёрдамлар кўрсатилмоқда. "Яккабоғ дон маҳсулотлари" масъулияти чекланган жамият раиси Ғулом Қурбоновнинг ҳиммати билан марказий шифохонага "Дамас" автомашинаси туҳфа этилди. Кейинги икки йил давомида диагностика бўлими замонавий гастрофиброскоп, ультратовуш, электроэнцифалограф, электрокардиограф ускуналари билан таъминланди. Бу эса, касаллик ташҳисини аниқлаш ва беморларга малакали тиббий хизмат кўрсатишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

— Бошланғич ташкилот ишини намунали ташкил этиш бугунги кундаги асосий вазифалардан биридир, — дейди суҳбатдошимиз. — Афсуски, баъзи партия аъзоларимиз бу борадаги масъулиятни унутиб қўйишмоқда. Уларда сиёсий фаоллик етишмайди. Ҳолбуки, партия аъзоси барча соҳада ибрат кўрсатиши, амалга оширилаётган ислоҳотларнинг олдинги сафларида бориши лозим. "Бошланғич партия ташкилотининг иш юритиш китоби" тайёрланса ва жойларга етказилса, нур устига аъло нур бўларди. Юзакичилик замони ўтди. Ички интизомга риоя қилмайдиган, партиявий топшириқларни бажармайдиган аъзоларга кескин чоралар кўриш, керак бўлса, партия сафидан чиқариш пайти келди, деб ўйлайман.

Шифокорлар — эл назаридаги кишилар. Тарғибот ишларини юксак савияда ташкил этиш уларнинг қўлидан келади. Бунинг учун ўқиш, изланиш, жонкуярлик ва ташаббускорлик керак, холос. Ўн беш йил давомида эришилган ўзгариш ва янгиланишлар моҳиятини одамлар онгига сингдириш, уларни бунёдкорлик сари даъват этиш, ғоявий-сиёсий ишлар кўламини кенгайтириш ҳар бир партия аъзосининг муҳим бурчидир. Эл-юрт бахти ва фаровонлиги йўлида барча куч ва имкониятлар ишга солиниши лозим. Ана шундагина юксак ишончни тўла оқлаган бўламиз.

O`ZLIDEP ОДИМЛАРИ

2006 йил 20 июль
Пайшанба
29 (135) -сон
www.21asr.com
XASR

O`ZLIDEP ОДИМЛАРИ

Ташаббускорликдан — амалий ишларга

Мавлудахон Обидова аслида қўшни Қирғизистонда туғилиб ўсган. Вақти келиб, унинг Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг жонкуяр фаолларидан бирига айланишини хаёлига ҳам келтирмагани табиий. Ўш шаҳридаги ўрта мактабни тамомлаган Мавлудахон сира иккиланмай чеварчилик касбини танлади. Чунки унинг онаси нафақат маҳалла, балки шаҳардаги таниқли чеварлардан бири эди. Тадбиркорлик, ташаббускорлик хусусиятлари эса, унга отасидан ўтган.

■ **Аъзамжон ҚОДИРОВ, «XXI asr» мухбири**

— Дадам ҳаёт бўлганларида, 70 ёшни қарши олган бўлардилар, — дейди Мавлудахон. — У Қорасув ва Хонобод шаҳарларида узоқ йиллар маиший хизмат тизимида меҳнат қилган. Хонободдаги маиший хизмат уйини ўзи бош-қош бўлиб, барпо этган ва кўп йиллар ушбу жамоага раҳбарлик қилган. Ўша кезларда дадамдан муомала санъатини ўрганганман. У киши жуда одамохун эдилар. Аммо ўрни келганда, ўта принципиал ва қаттиққўл эдилар. Хуллас, дадамдан олган сабоқларим бугун ниҳоятда қўл келаяпти.

O`zLiDePга аъзо бўлиб, кам бўлмадим. Партия янги ташкил топган кезларда унинг Низом ва Дастури билан танишиб, қатъий бир қарорга келиб, сўнгра аъзоликка қабул қилишларини сўраб ариза берганман. Кейин ўйлаб қарасам, корхонамизда янги партиянинг ихлосмандлари кўп экан. Ўзаро маслаҳатлашиб, O`zLiDeP шаҳар кенгашига мурожаат қилдик. Шундан кейин жамоамизда партиянинг қуйи бўғини ташкил топди. Шу тариқа 15 нафар маслакдош-бир-мақсад атрофида бирлашдик.

Мавлудахондаги раҳбарлик қобилияти, ташкилотчилик кўникмаларини сезган O`zLiDeP шаҳар кенгаши раҳбарлари хотин-қизлар қаноатига раҳбар этиб тайинлашди.

— Шаҳримиз кичик бўлгани билан муаммолари талайгина, — дейди Мавлудахон. — Айниқса, уйда ўтириб қолган хотин-қизларни иш билан таъминлаш, уларнинг жамиятдаги ўрни, сиёсий фаоллигини ошириш учун тинимсиз иш олиб бориш керак. Шу мақсадда турли тадбирлар ўтказиш, уларга ишбилармонлик қобилиятига эга аёлларни кенг жалб қилишга алоҳида эътибор қаратаяпмиз. Бу борада "Тадбиркор аёл" уюшмаси ва бошқа жамоат ташкилотлари билан яқин ҳамкорликда иш олиб бораяпмиз. Шунинг баробарида корхонани ривожлантириш орқали ҳам ҳамшаҳарларимни имкон даражасида иш билан таъминлашга ҳаракат қилаяпман.

Бугун Хонобод шаҳри марказида фаолият кўрсатаётган «Транзит ТХ» хусусий ишлаб чиқариш корхонасини кўпчилик яхши билади. Чунки бу ерда аҳолига маиший хизмат кўрсатиш билан бирга, нон, макарон, қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилган. Тикувчилик, электр ускуналарини таъмирлаш, кир ювиш ва кимёвий тозалаш цехлари аҳолининг оғирини енгил, узоғини яқин қилаяпти. Корхона қошидаги ўқув марказида эса, ёшлар турли касб-ҳунар асрорларини эгаллашмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар тўғрисида"ги қароридан сўнг бошланғич партия ташкилоти ташаббуси билан касаначиликни маҳаллий шароитда ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратила бошланди. Айни пайтда кўплаб хонободлик хотин-қизлар уй шароитида иш билан таъминланган. Ўқув марказида ёшларни ҳаётга тайёрлаш борасида ўтказилаётган машғулотларда ҳам юзлаб қизлар иштирок этишаяпти. Уларни олий тоифали мутахассислар олиб бораётгани эса, айни муддао бўлмоқда. Яна бир ибратли томони, бу ерда кам таъминланган оила аъзолари бепул ўқитилаяпти.

— Яқинда ушбу бошланғич ташкилот тажрибасини кенг ёйиш мақсадида вилоят миқёсида амалий семинар ўтказилди, — дейди O`zLiDeP Хонобод шаҳар кенгаши раиси Улуғбек Шокиров. — Унинг иштирокчилари Мавлудахон Обидова етакчилигидаги ташкилот фаоллари билан яқиндан мулоқотда бўлиб, улардан кўп нарсаларни ўрганишди.

Мавлуда опа тиниб-тинчимас, серғайрат аёл. Унинг хотиржам юрганини сира кўрмаганман. Раҳбарлик масъулияти ва партиявий бурчини чуқур ҳис этади. Унинг бундай фазилатлари шогирдларига ҳам ўтаяпти. Масалан, Ҳайитхон Юлдашева хусусий ишлаб чиқариш корхонасини ташкил этиб, 10 дан зиёд янги иш ўрни яратди. У "Ташаббус-2006" кўрик-танловининг шаҳар босқичида муваффақиятли иштирок этиб, вилоят босқичига йўлланма олди. Гулчеҳрахон Мирзараҳимова, Майрамхон Абдуллаева ҳам Мавлуда опанинг шогирди эканлигидан фахрланишади. Улар ҳам шаҳар марказида фаолият кўрсатаётган хусусий ишлаб чиқариш корхоналарига раҳбарлик қилмоқдалар.

— Одамлар мушкулини осон қилиш, айниқса, ишбилармон ва тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш бош мақсадимиздир, — дейди мақолами қаҳрамони. — Бунинг учун барча имкониятлардан фойдаланаяпмиз.

Юқорида таъкидланганидек, бугун Хонободдаги ушбу корхона ҳамда унинг қошидаги бошланғич партия ташкилоти тажрибасини вилоятдаги кўплаб хусусий тадбиркорлар ўрганиб кетишмоқда. Мавлудахон Обидова ва унинг сафдошлари эса, бошланғич ташкилот O`zLiDePнинг асосий таянчи эканлигини амалда исботламоқдалар.

Сиёсий етуклик — изланиш маҳсули

Уйчилик фаоллар буни амалда намоён этишаяпти

Маълумки, жамоатчилик ишларига ҳамма ҳам жонкуярлик билан муносабатда бўлавермайди. Марҳабатхон опа эса, мактабдаги ташвишларидан ортиб, маҳалла хотин-қизлар қўмитасида ўттиз йилдан бери жамоатчилик асосида ишлаб келаяпти. Шу боис, касбдошлари ҳам, маҳалладошлари ҳам унинг ҳурматини жойига қўйишади.

■ **Одилжон ИНОМОВ, «XXI asr» мухбири**

"Истиқбол" ва "Озод" маҳаллалари бўйича шаҳар кенгашига депутат этиб сайланганлиги ҳам бежиз эмас. 2004 йилдан буён эса, маҳалла фуқаролар йиғинида диний-маърифий ҳамда ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи вазифасини ҳам адо этаяпти. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ташкил топгач, унга биринчилар қаторида аъзо бўлди.

— Қатор йиллардан буён жамоат ишларида қатнашиб келаман, аммо партиявий масъулият бошқача экан, — дейди Марҳабатхон опа. — Биринчи галда ўзим ишлаётган маҳалла фуқаролар йиғинида O`zLiDeP Дастури, ғоя ва мақсадларини тарғиб қилишга киришдим. Натижа ёмон бўлмади. Ҳудудий бошланғич партия ташкилоти қисқа муддатда шакллантирилди. Асосий эътиборни сафимизга хотин-қизларни кўпроқ жалб этишга қаратдик. Чунки ҳудудимизда истиқомат қилаётган 6,5 минг аҳолининг 45 фоизини аёллар ташкил этади. Агар улар ишга астойдил киришисса, кўп нарса изга тушиб кетиши тайин эди. Худди шундай бўлди. Кўплаб ҳаётий масалаларни ҳал этишда фаол аёлларнинг ҳиссаси катта бўлаётир.

Марҳабатхон опа қанчалик тажриба ва ташкилотчилик қобилиятига эга бўлмасин, ўша кезлари унга осон бўлмаганини тасаввур этиш қийин эмас. Каттадир-кичикдир, бир ташкилотни юзага келтириш, маслакдошлар бошини қовуштириш учун астойдил елиб-югуришга тўғри келди. Нодира Абдураҳмонова, Муқаддас Жўраева, Муҳайё Сўпижонова, Нозима Абдувалиева, Санъатхон Тожибоева каби фаоллар бу борада етакчига яқиндан кўмак беришди.

Марҳабатхон ЯҲЁЕВА, **1948 йилда Уйчи туманида туғилган. Наманган давлат педагогика институти (ҳозирги университет)нинг филология факультетини тамомлаган. Олий тоифали ўқитувчи, "Ўзбекистонда хизмат кўрсаттан ёшлар мураббийси". Айни пайтда Наманган шаҳридаги "Курашхона" маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиси ҳамда ҳудудий бошланғич партия ташкилоти раиси.**

— Халқ депутатлари Наманган шаҳар кенгашининг Оила, аёллар ва ёшлар масалалари бўйича доимий комиссияси раиси сифатида жойларда тез-тез бўлишимга тўғри келади, — дея сўзини давом эттирди М. Яҳёева. — Турли учрашув ва мулоқотлар давомида аёлларнинг оила ҳамда жамиятдаги ўрни, уларнинг ислоҳотлар жараёнидаги иштироки хусусида кўплаб баҳс-мунозаралар бўлади. Бунинг ажабланадиган жойи йўқ, албатта. Зеро, аёлини ардоқлаган юртнинг бахти бут, келажаги порлоқдир.

Сиёсий фаоллик, аввало, изланиш маҳсулидир. Яқинда мамлакатимиз Президенти асарлари асосида тайёрланган "Миллий ғоя ва мафкура тушунчаларининг ўзига хос хусусиятлари", "Биз қандай жамият қурмоқдамиз?" номли услубий қўлланмалар дунё юзини кўрди. "Жамият ва демократия" туркумидаги бу икки қўлланма партия фаоллари учун жуда қўл келади, деб ўйлаймиз. Зеро, ўз устида мунтазам ишлаш ва изланиш партия етакчисининг биринчи галдаги бурчи бўлиши лозим.

Қаҳрамонимиз М. Яҳёева ва унинг сафдошлари шу ақидага амал қилиб, кам бўлмадилар. Аҳоли ўртасида O`zLiDeP ғоялари ва унинг келажагига ишонч ортиб бормоқда. Шунинг ўзи давр билан ҳамнафас ва ҳамқадам бўлиш ҳар бир партия учун янги ютуқларга йўл очишини тасдиқлаб турибди.

Тумандаги йирик ташкилотлардан бири саналган МТП раҳбари партия Дастури ва Низоми билан обдон танишиб чиққач, ҳамкасбларига маслаҳат солди. Ўзаро баҳс-мунозара қизиди. У ўз сафдошлари қалбига қўл солиб кўраркан, қатъий фикрини баён этди: "Шу партия билан йўлимиз бир, мақсадларимиз муштарак экан. Ўзаро ҳаммаслак бўлсак, шак-шубҳасиз, кўп нарсага эришамиз. Ҳадемай, бунга ўзларингиз ҳам гувоҳ бўласизлар!"

«Ишонтиришда гап кўп экан»

— дейди O`zLiDeP «Ромитан МТП» акциядорлик жамияти бошланғич ташкилоти раиси, туман кенгаши депутати Ғани ҚУТЛИЕВ

■ **Эшмурод БОБОМУРОДОВ, «XXI asr» мухбири**

Корхонада O`zLiDeP тарафдорлари сафи кенгая борди. Янги партиянинг ҳаётий мақсад ва интилишлари кўпчиликни ўзига жалб этди. Дастлаб иқтисодчи Азим Худоев, бўлим бошлиғи Зокир Жабборов, автосарой мудири Шавкат Муҳаммедов, ҳисобчи Қосим Темиров, қимматли қоғозлар бўйича мутахассис Раҳим Бўронов ва бош ҳисобчи Раҳим Кенжаевлар ҳам ариза билан мурожаат этишди. Шу тариқа акциядорлик жамияти қошида O`zLiDeP бошланғич ташкилотига асос солинган ва унга Ғани Қутлиев раис этиб сайланган эди.

Ўшанда мўлжал аниқ олинган экан. "Ромитан машина-трактор парки" акциядорлик жамияти фаоллари партиявий-ташкилий, маънавий-мафкуравий соҳада салмоқли ишларни амалга ошириб, тез орада тилга тушишди. Энг муҳими, замонавий техника воситалари мулкдорларнинг асосий қўл-қанотига айланди. Партиявий-сиёсий соҳадаги фаоллик Ғани Қутлиевга обрў-эътибор келтирди. Унинг халқ депутатлари туман кенгаши [illegible] Бу, аввало, O`zLiDeP ва унинг келажагига билдирилган катта ишонч эди. Кўп ўтмай, жамият раиси ўринбосари Элмурод Солиев, ҳисобчи ёрдамчиси Маъруф Жамолов, ходимлар бўлими бошлиғи Тошгул Тешаева, иш юритувчи Зулхумор Қўшшаева, ҳисобчи Ўғилой Ҳайитова ҳам аъзоликка қабул қилишларини сўраб, ариза беришди.

— Зиммамизга юклатилган масъулият катта, — дейди Ғ. Қутлиев. — Акциядорлик жамияти бошқаруви раиси, O`zLiDeP бошланғич ташкилоти етакчиси, халқ депутати сифатида иш юритишнинг ўзи бўлмайди, албатта. Юксак ишончни оқлашга ҳаракат қилаяпмиз. Президент фармонлари ва ҳукумат қарорлари ижросини таъминлаш учун барча имкониятлар ишга солинмоқда. Сайловчиларнинг фикр-мулоҳазалари Қонунчилик палатасидаги O`zLiDeP фракциясига доимий равишда етказиб турилибди.

Юқоридаги фикрларга шуни қўшимча қилиш мумкинки, ғоявий-сиёсий чиниқиш меҳнат жараёнига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Узоққа бормайлик. Ғалла ўрим-йиғими жараёнида "Кейс" русумли 12 та замонавий комбайн қатнашди. Мавжуд 6050 гектар майдонда иш кеча-кундуз ташкил этилди. Аввало, операторлар тиббий, ўқув-маслаҳат ва техника хавфсизлиги кўригидан ўтказилди. Уларнинг барчаси уяли алоқа воситалари, уч маҳал иссиқ овқат, кўчма ётоқхоналар билан таъминланди.

Тажрибали операторлар, O`zLiDeP аъзолари Умид Усмонов, Рустам Сафаров, Ашур Ражабов, Иззат Истамов ҳар куни 20-25 гектар майдондаги ғаллани ўрибянчиб беришди. Уларнинг мавсумдаги иш натижаси 1675-1880 тоннани ташкил этмоқда. Бу рақамлар замирида, шубҳасиз, катта меҳнат ва жасорат мужассамдир. Ўрим-йиғим жараёнида O`zLiDeP аъзоси Ниёз Нуров бошчилигидаги 68 нафар оператор, пайвандловчи, токарь, чилангар ва созловчилар ғаллакорларга яқиндан ёрдам кўрсатдилар.

Натижада режадаги 16 минг 27 тонна ўрнига 17 минг 107 тонналик хирмон уйилди. Шунинг 495 тоннаси аъло навли уруғликдир. Тумандаги 857 та фермер хўжаликлари омборларига 14 минг 600 тоннадан зиёдроқ дон киритилди. Ҳосилни қисқа муддат — 12 кун ичида ўрибянчиб олишда ибрат кўрсатган механизатор ва ҳайдовчиларга 500-800 килограммдан дон мукофот сифатида берилди. Уларнинг ўртача ойлик иш ҳақи 80-100 минг сўмданга тўғри келди. Ана шундай фаоллик ва ташаббускорлик самараси ўлароқ, Ромитан ва Қоровулбозор туманлари давлатга дон сотиш шартномавий режасини вилоятда биринчи бўлиб бажардилар.

Яна бир гап. Яқинда МТП акциядорлик жамияти бошланғич партия ташкилоти йиғилишида ғалла ўрим-йиғим якунлари ва унда O`zLiDeP аъзоларининг иштироки масаласи муҳокама этилди. Навбатдаги режалар белгилаб олинди. Шу йиғилишда илғор ёшлардан "Магнум" комбайни оператори Эркинжон Бўронов, комбайнчи Соҳиб Жумаев, ҳисобчи Роҳила Наврўзова O`zLiDeP сафига қабул қилиндилар...

Хуллас, жамоада қатъий интизом, юксак сиёсий фаоллик муҳити қарор топган. Бу эса, ишлаб чиқаришни ривожлантириш, сифат ва самарадорликни ошириш, O`zLiDeP ғояларининг ҳаётийлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этаётир.

Илова учун масъуллар:
Носир ТОШЕВ, Темур АБДУРАҲМОНОВ

АГАР таваккалчилик бўлмаганда, ■ тараққиёт ҳам бўлмас эди

ИҚТИСОДИЁТ

СУҒУРТА ХИЗМАТИ

Аграр соҳада молиявий ҳимоя

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалик соҳасида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг асл мақсади — мавжуд ер ва сув ресурсларини улардан оқилона ва самарали фойдалана оладиган инсонлар қўлига топширишдир. Чунки тадбиркор деҳқон ўзига тегишли ердан юқори даромад олишга ҳаракат қилади. Ўзини ҳам, давлатни ҳам бойитади. Фермер хўжаликларини ривожлантириш тизимининг якунловчи босқичига ўтилаётган бир пайтда уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида замонавий ва мукаммал инфратузилма яратишга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Улардан бири фермер хўжаликларини суғурталашдир.

■ **Феруза ЭГАМОВА ёзиб олди.**



Хўш, ушбу хизмат тури республикамизда қай даражада йўлга қўйилган?

Мухбиримиз ана шу савол билан "Ўзагросуғурта" давлат акциядорлик суғурта компанияси бошқарувининг раиси Ш. НУРМАТОВга мурожаат этди.

— Бугун Ўзбекистон суғурта бозорида 20 дан ортиқ компания фаолият юритмоқда. Уларнинг деярли барчаси умумий суғурта йўналишида хизмат кўрсатади. Қишлоқ хўжалик суғуртаси ўта қалтис ва зарарли бўлганлиги сабабли, ҳозирча фақат "Ўзагросуғурта" ДАСКгина мазкур тизимда иш олиб бораяпти.

Компаниямиз республикада алоҳида нуфузга эга бўлиб, 180 дан зиёд ҳудудий бўлинмалари орқали юридик ва жисмоний шахсларга 40 дан зиёд суғурта хизматларини кўрсатиб келмоқда. Шундан айнан қишлоқ хўжалигига тааллуқлиси ўн битта.

Фермерларга қулай ва тез хизмат кўрсатиш учун ҳар бир туман ҳудудида агентлик шохобчалари очилаяпти. 2005 йилда улар сони 328 тага етказилди. Бундан ташқари, қишлоқ аҳолиси бандлигини ошириш ва кенг қамровли суғурта хизматлари кўрсатиш мақсадида, маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғинларида ўриндош агентлар ёллаш бўйича ҳам чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, бу борада изчил иш олиб борилаяпти.

Агар 2002 йилда фермер хўжаликлари билан экинлар ҳосили суғуртаси бўйича 5878 та шартнома тузилган бўлса, 2005 йилга келиб, уларнинг сони 73381 тага етди. Албатта, бу фермерларнинг кўрсатилаётган хизматларга бўлган ишончининг йил сайин ортиб бораётганидан далолатдир.

Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 6 мартдаги 125 сонли қарорига асосан, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ишларини ташкил қилиш учун аванс тариқасида бериладиган ва фьючерс контрактлари бўйича маблағлар қайтарилишини суғурта қилиш орқали республикамиз фермер хўжаликларини траншлар орқали молиялаштирилишига кафил бўлиш билан бирга табиат инжиқликлари ва ишлаб чиқариш технологиясига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра, тайёрлов ташкилотлари олдидаги қарзларини қоплаш борасида ҳам қатор ишлар амалга оширилди.

Фермер хўжаликларининг давлат эҳтиёжлари учун сотиладиган пахта хом ашёси ва ғалла етиштириш бўйича харажатларни уларга хизмат кўрсатувчи тижорат банклари орқали тўғридан-тўғри имтиёзли кредитлаш механизми 2003 йилдан бошлаб босқичма-босқич Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда жорий этилди.

Бундай имтиёзли механизмнинг йўлга қўйилиши фермер хўжаликларининг маблағлардан самарали фойдаланиш учун иқтисодий жавобгарлик масъулиятини тубдан оширди. 2003 йилдан буён фермерлар олган кредитларининг қайтарилиши компаниянинг жойлардаги суғурта бўлимлари томонидан тўлиқ суғурталаниб келинмоқда. Натижада фермер хўжаликлари етиштирган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳажми кўпайиб, сифати яхшиланиб бораяпти. Энг муҳими — банклар томонидан ажратилаётган маблағлар ўз вақтида қайтарилмоқда.

Маълумки, бозор иқтисодиёти шароитида ўзаро муносабатлар субъектлар ўртасида тузиладиган шартномалар асосида йўлга қўйилади. Ҳар бир суғурта ташкилоти қонунда белгиланган тартибда суғурталанувчилар билан ўзаро мажбуриятларини, масъулиятларини, жавобгарлик доирасини, мажбурият муддатларини ва бошқа талабларни тузиладиган шартномаларда тўлиқ ифодалашлари ва сўзсиз бажаришни таъминлашлари лозим. Қишлоқ хўжалигида суғурта тизимини ривожлантириш бу соҳада шартномавий муносабатлар бўйича томонларнинг масъулиятини оширишга, корхоналарнинг молия идораларидан маблағ жалб эта билиш қобилиятига ҳамда уларнинг молиявий барқарорлигини таъминлашга ижобий таъсир кўрсатаяпти.

Шу билан бирга қишлоқ хўжалик суғуртаси тизимини ривожлантириш борасида бир қатор муаммолар ҳам борки, уларнинг ечими анчайин мураккабдир. Масалан, бугунги кунда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг юқори даражада қалтислигига қарамай, фермер хўжаликларининг суғурта қамрови паст. Бунинг асосий сабаби, қишлоқ хўжалиги экинлари кам ҳосиллиги бўйича суғурта шартномаларини тузиш даврида уларнинг ҳисоб рақамларида шу мақсадга йўналтириш учун маблағ етишмаслигидир.

Тўғри, давлатимиз Президентининг 2002 йил 31 январдаги "Суғурта бозорини янада эркинлаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони суғурта хизматлари соҳасидаги эркинлаштириш жараёнини янада ривожлантириш ва иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, республикада суғурта бозорини тараққий эттиришнинг иқтисодий омилларини кучайтириш, суғурта ташкилотларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда уларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш борасида катта аҳамиятга эга бўлди. Ушбу Фармон ва Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 27 ноябрдаги 413 сонли қарорига асосан, юридик ташкилотлар учун ихтиёрий суғурта хизматларига тўланаётган суғурта мукофотларини йиллик маҳсулот сотув ҳажмининг 2 фоизи миқдоригача даромад солиғидан озод этиш имтиёзи берилди. Аммо кўпгина фермер хўжаликлари даромад солиғи эмас, балки ер солиғи тўлашади. Шу боис, улар юқорида таъкидланган имтиёзлардан фойдалана олишмаяпти.

Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, қишлоқ хўжалигида суғурта хизматлари кўрсатишни янада ривожлантиришга қаратилган жиддий чоралар кўрилмаса, суғурта тизимида кескин ўзгаришларга эришиш мушкул. Бу эса, ўз навбатида қишлоқ хўжалигига хусусий маблағларнинг жалб этилишини секинлаштиради, фермер хўжаликлари ва уларда ишлаётган ишчилар даромадлари ва қайта ишловчи корхоналар фаолияти барқарорлигини янада оширишга етарлича таъсир кўрсата олмайди.

ТАДБИРКОРЛИК

Баҳодир фермернинг ташвишлари

Косон туманида ҳалол меҳнат орқали ҳурмат-эътибор қозонган фермерлар кўпчилик. Шулардан бири Баҳодир Қурбоновдир. Деҳқон оиласида туғилиб ўсгани учунми, ёшлигидан ерга меҳр қўйди.

■ **Сайёра ТУРҒУНБОЕВА**

Кўп йиллар давомида ширкат хўжалигида турли лавозимларда ишлади. Лекин бири икки бўлгани йўқ. Мустақиллик шарофати билан фермер хўжалигига асос солди. Хўжалик тасарруфида 100 гектар ер мавжуд. Бу йил 33 гектар ғалла майдонининг ҳар гектаридан 40 центнердан ҳосил кўтариб, шартномавий режани биринчилар қаторида бажарди. Дарвоқе, хўжалик кўп тармоқли бўлиб, бу ерда чорвачилик ва пахтачиликни ривожлантиришга ҳам жиддий эътибор қаратилаяпти.

Ҳозирги кунда 7 бош қорамол зооветеринария қоидалари асосида парвариш қилинаяпти. 10 гектар ерга ўт экилган.

Ҳосилнинг чўғи баланд. 57 гектар майдонда ўстирилаётган ғўза ниҳоллари белга уриб қолди. Дала ишларида Акбар Жабборов, Камол Хушвақтов, Акбар Худойқулов, Зиёдулла Ёрматов барчага ўрнак бўлишмоқда.

— Сув танқислиги бизни кўпдан бери қийнаб келарди, — дейди Баҳодир Қурбонов. — Фермерлар билан маслаҳатни бир жойга қўйиб, электр насоси ўрнатдик. Мушкулимиз анча осон бўлди. Ғалла мавсуми муваффақиятли якунланди. Эндиликда ғўза парваришини авж олдираяпмиз. Далаларни бегона ўтлардан тозалаш, қатор ораларига ишлов бериш, озиқлантириш ва суғориш ишлари ўз вақтида бажарилаяпти. Тўғри, яна бир муаммо бор. Техника воситалари етишмайди. Масалан, биз учун комбайн ва ҳайдов трактори ниҳоятда керак. МТПлардан вақтида техника ололмаймиз. Натижада экиш ва шудгорлаш жараёнида баъзи қийинчиликлар туғилмоқда. Бу йил анча қурғоқчил келди. Экинни, асосан электр насоси ёрдамида суғораяпмиз. Лекин электр токининг тез-тез узиб қўйилиши ишга панд бераяпти. Фермерлар уюшмаси туман филиалининг деярли ёрдами тегмайди. Уларга кўп бор мурожаат қилдик — фойдаси йўқ. Чиройли ваъдалар билан иш битмайди-да, ахир. Бугунги кунда фермер жамиятга ҳаммадан кўпроқ наф келтиришини унутмаслик лозим.

Ҳолва деган билан оғиз чучимайди, албатта. Шунинг учун ички имкониятлардан тўлароқ фойдаланишга ҳаракат қилаяпмиз. Ишчи-хизматчилар учун зарур шарт-шароит яратилган. Дам олишлари учун барча шароитни яратиб қўйганмиз. Улар дам олиш соатларида газета-журнал ўқиб, телевизор томоша қилиши мумкин. Дала шийпонимиз барча талабларга жавоб беради.

Охирги гап. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси омма орасига тобора чуқурроқ кириб бормоқда. Унинг дастури ва низоми билан танишгач, O`zLiDeP сафида бўлишим кераклигини ҳис қилдим. Зеро, ушбу партиянинг ғоя ва мақсадлари биз каби фермерларнинг орзу-интилишлари билан тўла ҳамоҳангдир.

ЖИНОЯТ ВА ЖАЗО

Сафарбой Қарши шаҳрида вояга етди.

Фойдали меҳнат билан шуғулланиш, элнинг корига яраш ўрнига жиноят кўчасига кирди. Беш бор жиноят қилиб, судланди. Умрининг гуллаган даврини панжара ортида ўтказди. Охирги марта жиноят ишлари бўйича Бекобод шаҳар суди томонидан 2003 йил 14 мартда Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 169-моддаси 3-қисми "а" банди ва 105-моддаси 2-қисми "к" банди ҳамда 59-моддасига асосан 8 йил озодликдан маҳрум этилди. 2005 йил 23 августда Оққўрғон туман суди томонидан ЎзР ЖКнинг 74-моддасига асосан ўталмай қолган 5 йил 2 ой 17 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси шу муддатга ахлоқ тузатиш ишига алмаштирилди. Қамоқдан озод этилиб, очиққа чиққач, бекободлик Раъно Турдиалиевага уйланиб, бинойидек ҳаёт кечирди, икки нафар фарзанд кўрди. Аммо ўрганган кўнгил ўртанса, қўймас экан. Ёлчитиб бирор жойда ишламади. Кўча-куйда сандирақлаб, текканга тегиб, тегмаганга тош отадиган қилиқ чиқарди.

Чақардаги қотиллик

содир бўлмаслиги мумкин эди. Аммо...

■ **Гулнора АЗИЗОВА,**
Жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилоят суди судьяси

2005 йил 26 ноябрь куни Қарши шаҳрининг Чақар маҳалласида яшовчи холаси Ором Усмонованикига меҳмонга келган Сафарбой 2 декабрь куни кечки пайт маҳаллани айланиб юрганида, спиртли ичимлик ичиб олган Одил Ҳикматовга дуч келади. Ширакайф Одил ундан сигарет сўрайди, Сафарбой нос таклиф қилади. Сўнг Одил ундан ароқ олиб беришни талаб қилади. Хуллас, иккала-

си гап талашиб қолишади. Тортишавериб, Сафарбойнинг интернатда бирга ўқиган таниши Тоҳир Рўзиевникига боришади. Тоҳир уйда йўқлиги боис, Сафарбой ичкарига кира олмайди. Шунда дарвоза пастига қоқилган темир қозиқни олиб, важоҳат билан Одилга ташланади. Анча масофагача уни қувиб бориб, дуч келган жойига қозиқ билан ура бошлайди. Оқибатда қаттиқ жароҳат олган Одил бош мия тўқимасига қон қуйилиши натижасида оламдан ўтади. Қотил сира тап тортмай, унинг эгнидаги кўк рангли шим, қишки ботинкасини ечиб олиб, Тоҳирникига йўл олади...

Жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилоят суди биносида бўлиб ўтган очиқ суд мажлисида Сафарбой Сангиновга нисбатан жазо тайинлашда ҳаракатида жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар йўқлигини, илгари ҳам қасддан жиноят содир этганлиги учун судланиб, жазони ўташ даврида яна жиноят содир этганлиги боис, уни 18 йилга озодликдан маҳрум этди.

Ҳукм ўқилди. Бироқ бир нарса кишини ўйга толдиради. Сафарбойнинг Қаршида пайдо бўлиши нега ҳеч кимни хавотирга солмади. Беш бор судланган, жазо муддати тугамаган жиноятчининг Чақарга келиши на маҳалла посбони, на милиция профилактика инспектори, на маҳалла фаолларини қизиқтирди. Сафарбой Қаршида юрган кезларида маҳалла дўконидан турли буюмларни винога алмаштириб, маст ҳолатда кезиб юрганлигини айримлар судда гувоҳ тариқасида гапириб беришади. Шу маҳаллада яшовчи, уйидан дўкон очиб олган Соҳиба опадан қарзга спиртли ичимлик олиб, мунтазам равишда маст бўлиб юрганлигини кўпчилик кўрган. Аммо бу ҳол ҳеч кимни ҳушёр торттирмаган. Марҳум Одил Ҳакимов ҳам оиласини боқа олмаганлиги учун хотини ва болаларини қайнотасиникига келтириб қўйиб, ўзи қайсидир фирмада шартнома асосида ишлар, топган пулига ичиб юрарди. Унга кўмак бериш, тартибга чақириш жамоатчиликнинг хаёлига ҳам келмайди. Маҳалла посбони эса қотиллик содир этилганини орадан бир кун ўтгач эшитади...

Маҳаллада қотиллик содир этилди. Икки хонадон соҳибининг бири нариги дунёга, иккинчиси эса 18 йилга панжара ортига равона бўлди. Хўш, уларнинг оиласи, фарзандлари нима қилади, энди? Агар фаоллар, маҳалладошлар ўз вақтида "Ўз уйингни ўзинг асра!" деган пурмаъно ҳикматни иш дастурларига айлантириб, огоҳлик, ҳушёрликни унутмаганларида бундай нохуш ҳодиса рўй бермаган бўларди. Эътиборсизлик ва лоқайдлик ҳукмрон жойда эса кўнгилсиз воқеалар содир бўлаверади.

ВАЗИЯТГА НАЗАР

ИНСОН хатти-ҳаракатларининг мезони адолат бўлмоғи зарур

ОҒРИҚ НУҚТА

Ўн тўрт миллиард ундирилди

РЕСПУБЛИКА САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИ ВИЛОЯТ ҲУДУДИЙ БОШҚАРМАСИ АРАЛАШУВИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР ХЎЖАЛИК СУДИНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ БИЛАН...

"Бухоропахтасаноат" ҳудудий акциядорлик бирлашмаси билан "Ўзмарказимпекс" давлат ташқи савдо акциядорлик компанияси ўртасида имзоланган 30/2004-81 сонли шартнома шунча ташвишлар олиб келади, деб ҳеч ким ўйламаганди, ўшанда. Ана шу шартномага кўра, "маҳсулот етказиб берувчи" 2004 йилнинг сентябрь-декабрь ойларида толага айлантирилган пахта ҳосилини "сотувчи"га қонуний белгиланган сорт, сифат, ассортимент ва муддатларда, аниқ кўрсатилган терминалларга етказиб бериши шарт эди. Эътиборли томони шундаки, бу мажбуриятлар "маҳсулот етказиб берувчи" томонидан тўлиқ бажарилган бўлса-да, "сотиб олувчи" ўз мажбуриятларини унутди.

Исоқ МАРДОНОВ,
Ўзбекистон савдо-саноат палатаси Бухоро вилоят ҳудудий бошқармаси бўлим бошлиғи, юридик фанлари номзоди.
Эшмурод БОБОМУРОДОВ, «XXI asr» мухбири

Масалан, шартноманинг 4.1 ва 4.2-бандларига асосан, "маҳсулот етказиб берувчи" маҳсулот жўнатилишидан 15 кун олдин "сотиб олувчи"га юборилаётган пахта толасининг миқдори ва ассортименти тўғрисида хабарнома жўнатганидан сўнг, "сотиб олувчи" эса "Бухоропахтасаноат"га хизмат кўрсатувчи банкда аккредитив, яъни юборилаётган пахта толасининг 100 фоиз қийматига тенг миқдорда пул жўнатиш учун махсус ҳисоб варағи очиши лозим эди. Аммо негадир, шартноманинг бу муҳим талаби бажарилмай қолиб кетди.

Орадан қарийб бир йил ўтгандан кейин эса, "маҳсулот етказиб берувчи" ўз ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилиш учун Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Бухоро вилоят ҳудудий бошқармасига мурожаат этди.

Аввало, рўй берган воқеаларнинг туб мазмун-моҳияти атрофлича, аниқ ҳужжатлар ва жонли гувоҳларнинг фикрлари асосида синчиклаб ўрганилди. Аён бўлишича, "сотиб олувчи" шартнома мажбуриятларини мунтазам ижро этмаганлиги оқибатида "маҳсулот етказиб берувчи"дан қарийб ўн беш миллиард сўм қарздор бўлиб қолган. Аниқроғи, 2005 йил 1 июнь ҳолатидаги далолатномага асосан, "сотиб олувчи"нинг дебиторлик қарзи 14.749.362.079 (ўн тўрт миллиард етти юз қирқ тўққиз миллион уч юз олтмиш икки минг етмиш тўққиз) сўмни ташкил этган. Ана шу миллиардларнинг бир томонида умидвор бўлиб, йиллаб қора меҳнатда қўл қавартириб, қишнинг қаҳратон совуғи, қорбўронлари, ёзнинг жазирамаси, гармселлари, тупроқнинг талх-шўри, сув танқисликларини мардонавор енгиб, момиқдай юмшоқ, мунаввар кўнгли ва пок ниятларидай оппоқ пахта етиштирган минг-минглаб ҳазрати деҳқонлар туришибди.

2005 йил июль ойида палата мухатассислари томонидан "Бухоропахтасаноат" акциядорлик бирлашмаси қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида "Ўзмарказимпекс"нинг барча айблари бирма-бир кўрсатилиб, суд олдида жавоб бериш талаби қўйилди. Бу қадар йирик миқдордаги қарзнинг жаримаси ҳам катта бўлишини билган компания 15 июлдан то 1 сентябргача, шошилинч равишда 8 миллиард сўмдан кўпроқ қарздан қутулишга улгурди.

Энди "жавобгар"нинг 2005 йил 10 сентябрь ҳолатидаги қарзи 6 миллиард 723 миллион 344 минг 518 сўм миқдорида қолганди. Бироқ бу рақамларга ҳисоб-китоб муддати ўтган катта миқдордаги (14.749.362.079 сўм) дебиторлик қарз ҳисобидан белгиланиши зарур бўлган пеня ва жарима ҳам қўшилди.

Бу ўринда биз яна 30/2004-81 сонли шартнома талабларини эслатамиз. Унинг 10.2-бандига кўра, "сотиб олувчи" "маҳсулот етказиб берувчи"нинг фойдасига тегишли миқдордаги аккредитив суммасини (очмаса) ўтказмаса, муддати кечиктирилган ҳар бир кунлар, яъни (2005 йил 1 январдан то ўша йил 10 сентябргача) — 252 кун учун жарима ҳисобланади. Бу эса оз эмас, кўп эмас, 371 миллион 683 минг 924 сўм эди. Ҳали бунгача "сотиб олувчи" томонидан аккредитивни ўз вақтида "маҳсулот етказиб берувчи" фойдасига очмаганлиги сабабли тўланиши лозим бўлган жарима-чи? У ҳам (шартномада кўрсатилган талаб бўйича) худди шу миқдорча (371.683.924 сўм) бўлади. Аслида, бу рақамлар бир-бирига айнан ўхшаса-да, асло бир нарса эмас. Бири — аккредитивни ўз вақтида очмаганлиги ва иккинчиси — тўлов 252 кун кечиктирилганлиги туфайли ҳосил бўлган. Жами 743 миллион 367 минг 848 сўмни ташкил этади. Агар бу рақамлар "Ўзмарказимпекс"нинг дебиторлик қарзи (6.723.344.518 сўм)га қўшилса, умумий миқдор 7.466.742.366 сўмга кўтарилади.

Энди (2005 йил 20 сентябрда) Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармаси "Бухоропахтасаноат" ҳудудий акциядорлик бирлашмаси манфаатларини кўзлаб, ана шу 7 миллиард 466 миллион 742 минг 366 сўмни "Ўзмарказимпекс" давлат ташқи савдо акциядорлик компаниясидан ундириш мақсадида Тошкент шаҳар хўжалик судига даъво аризасини берди.

Суд ушбу даъво аризасини судья Қ. Ҳамроев раислигида 2005 йил 25 октябрда батафсил кўриб чиқди. Иш кўрилаётганда, масала моҳиятига алоҳида масъулият ва зукколик билан ёндашилди. Аризадан ташқари, илова қилинган ҳужжатлар моҳияти ва тарафлар фикрлари ўрганилди.

Жавобгар томон "даъво аризаси суд томонидан иш юритувга қабул қилинганидан кейин (2005 йил 19 октябрда) 3 миллиард 774 миллион 700 минг сўм даъвогарнинг ҳисоб рақамига ўтказиб берди. "Бугунги кунда бизнинг асосий қарзимиз бор-йўғи 2 миллиард 948 миллион 644 минг 518 сўмни ташкил этади. Шу сабабли, бизнинг пеня ва жарима тўлашимизга ҳеч қандай асос йўқ", - дея туриб олди.

Бу ўринда даъвогар томон бироз муросага борди. Яъни тўловлар ўз вақтида тўланмаганлиги (гарчанд тўланмаган бўлса-да) учун солинган жарима (317.683.924 сўм)дан бутунлай воз кечди. Аммо аккредитив ўз вақтида очилмаганлиги учун белгиланган пеня (317.683.924 сўм) ва қарзнинг қолган қисми (2.948.644.518 сўм)ни тўлиқ тўлашни қатъий талаб этди. Суд бу ўринда даъвогарлар талабига қисман қўшилди. Яъни қарзнинг қолган қисмини тўлиқ, пеняни эса Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди пленумининг 1999 йил 5 февралдаги 77-қарорига асосан ярмини ундиришни лозим топди.

Шундай қилиб, суд Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 8,9,324, 317-моддалари, Олий хўжалик суди пленумининг "Хўжалик судлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг жавобгарлик тўғрисидаги қоидаларини қўлланишнинг айрим масалалари ҳақида"ги қарори ва хўжалик-процессуал кодексининг 8,9,324,327-моддалари, Олий хўжалик суди пленумининг "Хўжалик судлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг жавобгарлик тўғрисидаги қоидаларини қўлланишнинг айрим масалалари ҳақида"ги қарори ва хўжалик-процессуал кодексининг 95,135,138-моддалари қўлланиб, "Ўзмарказимпекс"дан "Бухоропахтасаноат" ҳудудий акциядорлик бирлашмаси фойдасига 2 миллиард 948 миллион 644 минг 518 сўм асосий қарз, 185 миллион 841 минг 963 сўм пеня ва 70 миллиард 950 миллион 284 минг 42 сўм давлат божи ундирилсин, дея ҳал қилув қарори чиқарди.

Бироқ "Ўзмарказимпекс"чилар бу адолатли қароргa ҳам ён бергилари келмади. Улар ўзларини "сувда чўкаётган киши жон талвасасида хасга ёпишгани" тарзида тутишди. Ариза билан "иш"ни аввал апелляция инстанциясида, сўнг Олий хўжалик судида қайта кўришни талаб этишди.

Иккала инстанция ҳам "Тошкент шаҳар хўжалик суди қарори тўғри, у ўзгаришсиз қолдирилсин", деган якдил хулосага келди.

СОЛИҚ ТИЗИМИ

Маҳсулотлар сифати

давлат стандарти талабларига жавоб берадими?

Бугунги кунда пойтахтимиздаги бир қатор бозорларда таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Янги савдо расталари барпо этилиб, сотувчи ва харидорлар учун қулай шарт-шароит яратилаётир. Зеро, бозор хўжалигида қатъий тартиб ва интизомни таъминлаш айни кундаги муҳим вазифалардан бири саналади.

Ўз мухбиримиз

Хўш, шаҳримиздаги "Карвон бозори"да харидорларга қандай хизмат кўрсатилаяпти? Савдо-сотиқ жараёнидаги ютуқ ва камчиликлар нималардан иборат? Учтепа тумани Давлат Солиқ инспекцияси "Бозорлар фаолиятини назорат қилиш шўъбаси" бошлиғи Бахтиёр Ҳалимов бу ҳақда қуйидагиларни сўзлаб берди.

— Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида Учтепа тумани ДСИ ходимлари томонидан қатор ишлар амалга оширилмоқда. Тўғри, савдо-сотиқ ишларини йўлга қўйиш борасида янгиликлар кўп.

Аммо камчиликлар ҳам оз эмас. Жорий йилнинг 5 ойи давомида ўтказилган тезкор текширувлар давомида 52479800 сўмлик маҳсулотлар, жумладан, тегишли божхона ҳужжатлари бўлмаган, умумий қиймати 4337800 сўм миқдордаги ўсимлик ёғи, 1086000 сўмлик қишлоқ хўжалик маҳсулотлари олиб қўйилди. 90 та тош-тарози давлат стандарти талабларига жавоб бермаслиги аниқланди.

Бундан ташқари, "Карвон бозори" ҳудудида солиқ ходимлари томонидан бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. "Фарҳод деҳқон бозори"да ўтказилган мониторинглар самараси ўлароқ, жой ва кўрсатилаётган хизматлар бўйича ўсиш кузатилди. Яқинда сотувчиларга қулайлик яратиш мақсадида 5 та назорат касса машиналари ўрнатилиб, турғун ғазна шохобчалари барпо этилди. Давлат солиқ қўмитаси ташаббуси билан шу йил май ойида Тошкент вилояти туманлари бўйича "Фарҳод деҳқон бозори" ОАЖда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари савдо ярмаркаси ташкил қилиниб, 258 тоннадан ортиқ ноз-неъмат арзон нархларда сотилди. Жорий йилнинг беш ойи учун белгиланган 30 млн. сўм миқдоридаги тушум режаси амалда 32 млн. 971,7 минг сўмга бажарилганини таъкидлаш лозим.

Дарҳақиқат, бугунги ислоҳотлар жараёнида солиқ ходимлари зиммасига алоҳида масъулият юклатилган. Уларнинг ўз бурчларига виждонан ёндашувлари натижасида давлат хазинаси бойиб, аҳолининг турмуш даражаси ошиб бормоқда. Бинобарин, бу борадаги тадбирларнинг изчиллиги ва самарадорлигини таъминлаш бозор хўжалигини ривожлантириш, пул муомаласини яхшилашда муҳим аҳамият касб этишини унутмаслик лозим.

ФОТОАЙБНОМА

Ниманики қилсанг хор...

Кўриб турганингиз — Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани ТТЗ-4 мавзесида жойлашган ушбу кўп қаватли бино йиллар давомида одамлар учун хизмат қилган. Айтишларича, илгари завод ходимлари учун ётоқхона вазифасини ҳам ўтаган экан.

Шуҳрат РАҲИМОВ, «XXI asr» мухбири

Бироқ кейинги йилларда корхонада рўй берган ўзгаришлар сабабли, салкам 70 ўринга мўлжалланган уй ҳувиллаб қолди. Лоқайдлик, қаровсизлик оқибатида кун сайин нураб, эшик-ромлари хомталаш қилинаётир.

Ўйланиб қоласан, киши. Бу кетишда иморатнинг ғиштига ҳам навбат етадиёв. У ҳолда бинодан ном-нишон қолмаслиги аниқ. "Ниманики қилсанг хор, ўшанга бўласан зор", дейди халқимиз. Наҳотки туман мутасаддилари мавжуд аҳволдан бехабар бўлишса? Айтинг, айтинг, ишқилиб улар бу сафар кўриб кўрмаганга, билиб билмаганга олишмасин-да!..

ТАДБИР

Аҳоли учун яна бир қулайлик

Куни-кеча Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Нотариал ишларни бажарганлик учун давлат бюджети ставкалари тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги қарорининг жойлардаги ижросига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

Нотариал идоралар фаолиятини янада такомиллаштириш, тегишли ҳужжатларни расмийлаштиришда юридик ва жисмоний шахсларнинг харажатларини камайтириш, тадбиркорлик субъектлари учун қулай шарт-шароитлар яратиш, уй-жой бозорини ривожлантиришни рағбатлантиришга қаратилган мазкур қарорда аҳоли учун қатор енгилликлар яратилган.

Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармаси ходимлари ҳамда нотариал идоралар вакиллари иштирокида ташкил этилган тадбирда мазкур қарор ижросини таъминлаш бўйича тадбиркорлик субъектлари ва аҳоли ўртасида кенг кўламли тушунтириш ишларини кучайтириш бўйича атрофлича сўз юритилди. Муҳокама этилган масалаларга оид маърузалар тингланиб, ечимини кутаётган муаммолар юзасидан ўзаро фикр алмашилди.

Семинарда кўрилган масалалар юзасидан тегишли тавсиялар ишлаб чиқилиб, галдаги вазифалар белгилаб олинди..

ДЕМОКРАТИЯНИ зўравонлик билан жорий қилишнинг ўзи демократия табиатига зид нарса

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

РОССИЯ

«G8» саммити: Якун ва хулосалар

САНКТ-ПЕТЕРБУРГ ШАҲРИДА РОССИЯ РАИСЛИГИДА БЎЛИБ ЎТГАН «КАТТА САККИЗЛИК» НИНГ НАВБАТДАГИ САММИТИ НАТИЖАЛАРИГА КУЗАТУВЧИЛАР, ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ҲАЛИ КЎП БАҲО БЕРАДИГАН КЎРИНАДИЛАР. БУТУН МУЗОКАРАЛАР ДАВОМИДА РОССИЯ ЭНДИ ХАЛҚАРО МАЙДОНДА ЎЗИНИНГ АЙТАР СЎЗИ БОР ҚУДРАТЛИ ДАВЛАТ ЭКАНЛИГИНИ ЯНА БИР КАРРА НАМОЙИШ ЭТА ОЛДИ. ШУ БИЛАН БИРГА, САММИТ РОССИЯ ВА АЙРИМ ҒАРБ ДАВЛАТЛАРИ ХАЛҚАРО МАЙДОНДАГИ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРГА ЁНДАШУВДА МУРОСАСИЗ МАВҚЕДА ҚОЛАЁТГАНЛИКЛАРИНИ ҲАМ ИСБОТЛАДИЛАР.

■ Шерзод ЭРАЛИЕВ, Шерзод АРАПОВ

Кремль ўтган йили "G8" раислиги эстафетасини қабул қилган чоғида уч масала — глобал энергетик хавфсизлик, соғлиқни сақлаш ва таълим соҳаларидаги халқаро ҳамкорликни навбатдаги музокараларнинг устувор йўналиши бўлишини маълум қилганди. Ана шу мавзулар саммит кун тартибига олдиндан киритилгани боис, декларациялар Россиянинг қатъий талаби билан бирор ўзгаришсиз қабул қилинди.

Шу ўринда "катта саккизлик"ка тааллуқли яна бир муҳим глобал муаммога тўхталиш жоиз. У ҳам бўлса, мазкур клубнинг келажакдаги роли қандай бўлади? У етакчи мамлакатларнинг шунчаки вақт ўтказиб кетиш учун йиғиладиган анжумани бўлиб қолмайдими? Давлат раҳбарлари саммитда эришилган аҳдномаларни ёддан чиқариб қўймасмикин, деган саволлар таҳлилчиларни ўйлантиргани бежиз эмас. Чунки клубнинг аввалги саммитларида Африка мамлакатлари қарзларидан воз кечиш, ривожланаётган мамлакатларнинг маҳсулотлари учун тараққий этган давлатлар бозорини очиб бериш юзасидан қатор келишувларга эришилган, аммо айтиш жоизки, Россиядан бошқа бирор мамлакат ўз зиммасига олган мажбуриятини тўла адо этмади. Сиёсатшунос Вячеслав Никоновнинг айтишича, саккизлик иштирокчиларини кўпинча клубга аъзо давлатларнинг ички муаммоларига эътибор қаратишгани сабабли танқид қилишарди. Россия эса бошқалар учун ҳам долзарб ҳисобланган масалаларни илгари сурди. Жумладан, энергетика хавфсизлиги муаммоси нафақат истеъмолчилар, балки ишлаб чиқарувчилар нуқтаи-назаридан ҳам муҳокама этилди. Таълим масалаларида ҳам шундай фикр билдириш мумкин.

Сир эмас, Россиянинг улкан энергетик захиралари унга халқаро майдонда ўзини бирмунча эркин тутиш имконини бераяпти. Энергоресурслар миллий иқтисодиётни тиклаш билан бирга халқаро молиявий бозордаги "об-ҳаво"ни ҳам белгилаб бераяпти, дейиш мумкин.

Ёдингизда бўлса, Ғарбдаги бир қатор давлатлар, жумладан, АҚШ ва Европа Иттифоқи Россиянинг Украина билан "газ уруши" чоғида "зангори олов"ни бозор нархида сотишга қарор қилган Москвани очиқчасига танқид қилганди. Шундан кейин эса, "Газпром"ни "қўҳна қитъа"га киритмаслик, Россиянинг энергетик қувурлари устидан қисман назоратни қўлга киритиш учун уни Европа энергетик хартиясига қўшилишни талаб қила бошладилар. Кремль эса Европа Энергетика хартиясини қабул қилмаслигига ЕИ вакилларини узил-кесил кўндира олди.

Саммит давомидаги икки ва кўптомонлама музокараларда Москва ташаббуслари билан бир қаторда халқаро ҳаётнинг "оғриқли ва қайноқ" нуқталари ҳам муҳокама қилинди. Айниқса, сўнгги пайтда авжига чиққан Яқин Шарқ можароси, Эрон ва Шимолий Корея ядро дастурлари мунозараларнинг асосий мавзуси бўлди, дейиш мумкин. Айрим кузатувчилар эса Яқин Шарқ уруши "G8" саммитини жаҳон сиёсатидаги иккинчи даражали масалага айлантириб қўйди, дейишгача бордилар. Аввалги саммит чоғида Буюк Британиядаги 52 кишининг ўлимига сабаб бўлган Лондон фожиаларини бир эсга олайлик. Санкт-Петербург мулоқотлари эса Ливан, Исроил ва Фаластин шаҳарларининг ўзаро ракета ҳужумлари садолари остида ўтди. Айтиш керакки, ўша кунлари ҳалок бўлган бегуноҳ инсонлар сони 200 нафарга яқинлашиб қолганди. Музокаралар давом этаётган бир пайтда Исроилнинг "Ҳизбуллоҳ" ташкилотини яксон қилиш мақсадида қўшни Ливанга ҳужум қилиши масаласида саммит иштирокчилари узоқ баҳс-мунозаралардан сўнг ҳам ягона тўхтамга кела олмадилар. Бу ҳар қандай давлатнинг ташқи сиёсати объектив воқеликдан кўра кўпроқ маълум манфаатларга бўйсунишини яна бир бор исботлади, дейиш мумкин. Яъни томонлар ҳарбий ҳаракатлар тўхтатилишини бирдай талаб қилган бўлсалар-да, бундай ташвишли вазиятнинг юзага келишида кимнинг айбдор эканлиги борасида яқдил фикр билдира олмадилар.

АҚШ анъанавий иттифоқдоши Исроилнинг ўзини мудофаа қилишга ҳақли эканлиги ҳамда зўравонликнинг юзага келишида Ливан, Сурия ва "Ҳизбуллоҳ"ни айблаган бўлса, Россия ва Франция Исроил жавоб чора-тадбирлари керагидан анча ортиқ ва кўп сонли бегуноҳ одамлар ўлимига сабаб бўлаяпти, бу эса ўз навбатида минтақада уруш келиб чиқишига сабаб бўлади, деган мазмунда баёнот тарқатдилар.

Тушлик пайт Жорж Буш Вашингтоннинг асл мақсадларини ўзи сезмаган ҳолда фош этиб қўйди. Буюк Британия бош вазири билан суҳбатида микрофонларнинг вақтида ўчириб қўйилмаганлиги боис, Бушнинг дипломатик этикетни инкор этадиган сўзлар билан зиддият учун бутун жавобгарликни "Ҳизбуллоҳ" ва Сурияга ағдараётганлигига журналистлар гувоҳ бўлдилар. Бушнинг эҳтиётсизлик оқибатида Сурияни ҳақоратлаши АҚШнинг унга қарши тиш қайраётгани, керак бўлса, Исроилни гижгижлаётганидан, Яқин Шарқда зиддиятнинг давом этишидан манфаатдорлигини кўрсатади, деб ҳисоблайди халқаро шарҳловчилар.

Шу ерда бир мулоҳаза. Американинг бевосита ва билвосита қўллаб-қувватлашлари эвазига Ливандан Сурия қўшинлари олиб чиқилгани ва бу ерда америкапараст кучлар ҳокимият тепасига келтирилганлигига ҳали кўп бўлгани йўқ. Маълум пайт АҚШ учун намунавий "ука" ролини ўйнаб келган Байрут энди янада яқинроқ ҳамкор – Исроил манфаатлари учун қурбон қилинмоқда.

Умуман олганда, минтақанинг уруш ёқасига келиб қолишида кўпинча АҚШни айблашади. Негаки, ечими топилмаган муаммо ва можаролар эртами-кечми бундан каттароқ зиддиятларни келтириб чиқармаслигига ҳеч ким кафолат бермайди. Исроилнинг 2005 йилда Ғазо секторидан ва 2000 йилда Ливан жанубидан чиқиб кетгани араб-исроил можаросига барҳам бергани йўқ. Айни воқеалар зиддиятларни бартараф этишга қаратилган халқаро механизмлар бугунги воқеликка жавоб бермаётганига ёрқин мисол бўла олади. На БМТ, на алоҳида олинган давлатлар ҳалқаро ҳамжамият олдида турган жиддий муаммолар ечимини тополмаяпти. 15 йил муқаддам собиқ иттифоқ парчаланган пайтда кўплаб таҳлилчилар Москва ва Вашингтон қарама-қаршилигининг барҳам топиши Яқин Шарққа тинчлик олиб келади, дея башорат қилгандилар. Бироқ халқаро муносабатлардаги издан чиққан мувозанат ва Вашингтоннинг бир томонлама сиёсати аксарият минтақавий инқирозларни боши берк кўчага киритиб қўйди.

Нима бўлганда ҳам бир тоифа кузатувчилар Вашингтоннинг барча халқаро ҳодисаларга нисбатан бир томонлама ёндашуви, фақат ўз сўзини ўтказишга уриниш можароларни ҳал қилишда самарасиз бўлиб келмоқда, деган фикрни илгари сураяптилар. Шунинг учун ҳам "Time" журнали сўнгги уч йилда АҚШнинг дунёни ўз ихтиёри асосида бошқаришга қодирлиги емирилиб бораяпти, дея бежиз хулоса чиқармаганига ишонч хосил қилиш мумкин. "Бу кўпроқ реализмга, камроқ ғояга таянган бесамар ташқи сиёсатдир," — дея журнал президент Буш маслаҳатчиларининг сўзларидан иқтибос келтиради.

Шу нуқтаи-назардан Яқин Шарқ можароси "саккизлик" раҳбарлари учун чинакам бошоғриқ бўлганини таъкидлаш жоиз.

Саммит аввалида кўпчилик, айниқса, Москва расмий вакиллари музокаралар доирасида Россиянинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиши тўғрисида битим имзоланишини башорат қилган эдилар. Лекин Россия вакилларининг АҚШ делегацияси билан олиб борган музокаралари натижа бермади. Американинг гўшт маҳсулотларини текширувсиз Россия бозорига киритиш талабига Москва ён бермади. Натижада музокараларни сентябрь ойида давом эттиришга қарор қилинди.

Шу ўринда бир масалага алоҳида эътибор қаратиш лозим кўринади. Россиянинг ЖСТга аъзолиги масаласида АҚШ қўшстандартлар сиёсатини қўллаётганидан кўз юмиб бўлмайди. Биргина Жексон-Веник битимига ўзгартиришлар ҳақидаги қонунни олайлик. У 1974 йилда собиқ иттифоқдаги яҳудий фуқароларининг Исроилга кўчиб ўтишига жавобан жорий этилган жазодир. Бугун эса рус яҳудийлари хоҳ Россия, хоҳ Исроилда яшаш имконига эгалар. Лекин Вашингтон бу чорани бекор қилиш ўрнига ундан босим кўрсатиш қуроли сифатида фойдаланаяпти. Шундан хулоса чиқариш мумкинки, АҚШ ҳали-бери Россиянинг ЖСТга киришини истамаяпти. Британия матбуотининг ёзишича, марказий ҳокимиятнинг кучайиши Россиянинг халқаро майдондаги мустақил мавқеини тиклагани ҳамда энг йирик нефть ва газ экспортчисига айлангани Ғарбдаги кўплаб сиёсий доираларнинг ғашига тегаяпти. Нега? Чунки собиқ иттифоқнинг парчаланиши АҚШнинг дунёдаги мавқеини бутунлай янги поғонага кўтарди. Шундан сўнг айрим Ғарб сиёсатчи ва давлат арбоблари Москвага беписанд қарай бошладилар. Гўёки Ғарб эмас, аксинча, Россия Ғарбга кўпроқ зарурат сезадигандек. Лекин олтин валюта захиралари бўйича учинчи ўринга кўтарилган, ялпи ички маҳсулотининг йиллик ўсиши 6-7 фоиздан тушмаётган бугунги Москва бундай ёндашувлар хато эканлигини намойиш эта олди. Халқаро муносабатларда кўп қутбли дунё тарафдори бўлмиш Путин Вашингтон билан муносабатларини бугун ўзи учун устувор деб ҳисобламаяпти. Мутахассис Марго Лайт таъкидлаганидек, Буш маъмурияти Эрон ёки КХДР масаласида ёрдам сўраётганида, Кремль бундан завқ олмоқда.

Москва бундай ўйинларга биринчи марта дуч келаётгани йўқ, албатта. Табиийки, муҳим масалалар ечими борасида принципиаллик ўрнини ғаразли манфаатлар эгаллаши ҳеч кимга ёқмайди. Қўшстандартлар сиёсатидан азият чекаётган бошқа мамлакатлар ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Кеча коммунистик ўтмишдан қутулиб, бугун демократик тараққиёт ва бозор иқтисодиёти йўлини танлаб олган Россия халқаро сиёсат ва жаҳон иқтисодиётида ҳамон Ғарбнинг совуқ уруш давридагидек "рус айиғи"га қўйилган қопқонига дуч келаяпти.

Лекин ана шундай хулосаларга қарамай, саммитда Россиянинг инсониятга хавфсизлик ва барқарорликда яшаш кафолатини бериш тўғрисидаги таклифи дунё матбуотида олқишларга сазовор бўлди. Дарҳақиқат, уруш ва найранглардан хориган дунё бугун шундай кафолатга муҳтож ва уни нуфузли, ривожланган ва йирик мамлакатлар халқаро ҳамжамиятнинг фикрини инобатга олган ҳолда таъминлаши мумкин. Ҳар бир замоннинг ҳам ёпиғлиқ қозон каби портлаш чегараси бор. Агар буғ ўз вақтида ва моҳирона чиқариб юборилмаса, қопқоқнинг очилиши муқаррар бўлганидек, инсониятни ҳам тинимсиз эзавериш хунук оқибатларга олиб келади.

Уруш ва можаролардан чарчаган афкор омма бугун ана шундай кафолатларга муҳтож эканлигини айтмаса ҳам бўлади. Бинобарин, халқаро ҳамжамият томонидан террорчиликка қарши кураш, инсон ҳуқуқлари ва демократияни ҳимоя қилиш бўйича ягона позиция ишлаб чиқилиши алоҳида аҳамиятга эгадир. Турли хил стандартлар сиёсати эса инсониятга фойда эмас, зарар келтириши мумкин. Вашингтон стратеглари саммит олдидан Россияни демократик қадриятлардан чекинаётганликда айблаган эдилар. Шу тариқа кўпчилик Жаноб Бушнинг россиялик ҳамкасбини танқид қилишини кутганди. Лекин президент ушбу "рол"ни тўлиқ ижро эта олмади. У Ироқ ва Россия ички ҳаётига хос демократияни бир-бирига "таққослар"кан, жумладан, шундай деди: "Мен виждон ва сўз эркинлигига эришган Ироқ каби давлатларда демократияни ривожлантиришга ҳисса қўшиш ниятим борлигини гапиргандим. Бизда кўпчилик бундай демократия Россияда ҳам бўлиши керак, деб ҳисоблайди". Шу заҳотиёқ Россия президенти ҳамкасбига қуйидагича жавоб қайтарди: "Биз эса Ироқдаги каби демократия бўлишини истамаган бўлардик". Залда кулгу ва жонланиш бошланди. Ҳаммаси равшан эди. Ахир, беқарорлик, террорчилик, исён ҳукм сураётган, аёллари коалицион аскарлар томонидан зўрланаётган, қамоқхоналарда бегуноҳ инсонлар қийноққа солинаётган бир мамлакатни қандай қилиб демократик давлат сифатида тилга олиш мумкин?

Владимир Путин Буюк Британия бош вазири билан учрашувдан кейинги матбуот анжумани чоғида ҳам ҳамкасбини худди шундай қийин аҳволга солиб қўйди. Журналистлардан бири Путиндан Блэрнинг Россия демократияси ҳақидаги хавотирли фикрларига муносабат билдиришни сўраганида, Россия давлат раҳбари Блэрнинг коррупцияга аралашиб қолган сафдоши лорд Левини назарда тутиб, "Сизларнинг тажрибаларингизни тинглаш янада қизиқроқ", дея таъкидлади. Дарвоқе, кейинги пайтларда Лондон ҳам террорчиликка қарши кураш масаласида иккиёқлама "ўйин" олиб бораётгани сир эмас. Британиянинг чечен террорчилари етакчиларидан бири Аҳмад Закаев, молиявий фирибгарликда айбланаётган Борис Березовский ва бошқа жиноятчиларга сиёсий бошпана бергани, уларни Россия прокуратурасига топширишдан бош тортаётгани, ва ниҳоят, бундан қандай мақсадлар кўзда тутилганлиги жаҳон жамоатчилигига яхши маълум, албатта.

Хуллас, Россиянинг шимолий пойтахтида бўлиб ўтган саммит халқаро муносабатлар саҳнасида муҳим роль ўйновчи янги кучлар вужудга келганлигини, улар ғарб дунёси билан теппа-тенг муносабатга кириша олиши мумкинлигини яна бир карра намоён этди. Ҳаёт бор экан, кураш ва рақобат давом этаверади. Миллионларнинг орзуси эса битта: дунёда тинчлик ва хавфсизликни таъминлашдан иборатдир. Зеро тинчлик билан эл кўкаради, юрт обод бўлади.

ТАФСИЛОТЛАР, ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР, НУҚТАИ-НАЗАР

УКРАИНА

Президент Виктор Юшченко тарафдори — "Наша Украина" блоки парламент мухолифатига ўтишини эълон қилди. Виктор Януковичнинг Минтақалар партияси, социалистлар ва коммунистлар Олий Радада ҳукмрон коалиция тузилишини қайтадан баён қилганларидан сўнг ана шундай хулосага келинди.

Сиёсий эҳтиросларавжида

■ Нурхон МУҲИДДИНОВА

Куни кеча аксилинқироз деб аталган коалиция иттифоқ тузиш йўлидаги сўнгги юридик тўсиқларни бартараф этиб, 2002 йилдан 2004 йилгача Украина ҳукуматини бошқарган таниқли сиёсатчи Виктор Янукович номзодини яна бош вазир лавозимига кўрсатиш ташаббуси билан чиқди.

Маълумки, илгарироқ Юлия Тимошенко ва "Наша Украина" блоки янги коалиция қонунийлигини тан олишдан бош тортишаётганди. Бироқ юридик текширувлардан кейин ҳаммаси изига тушгач, президентпараст партия ўзини мухолифат деб эълон қилишга мажбур бўлди. Экспертлар фикрича, Украина янги ҳукуматининг тақдири президент Юшченкога боғлиқ. Конституцияга биноан айнан у парламентга коалиция таклиф этган сиёсатчини бош вазирликка тавсия этиш керак. Агар президент 25 июлгача Радага номзод тақдим этмаса, у парламентни тарқатиб юбориш ва янги сайловларни белгилаш ҳуқуқига эга бўлади. Ҳозирча унинг бундай нияти йўқ. Бироқ парламентдаги сиёсий қарама-қаршилик барҳам топмаса, шундай қилишга мажбур бўлади.

ЯПОНИЯ

Япония Ироқдаги ҳарбий контингентини олиб чиқиш тадбирини якунламоқда. Куни кеча мамлакат ҳарбийларининг 220 кишидан иборат сўнгги гуруҳи Ироқнинг Самава шаҳридан чиқиб, Қувайт базасига етиб келди.

Японлар Ироқни тарк этишди

Япония ҳукумати 2006 йилнинг июн ойи охирида Ироқдан ўз ҳарбийларини олиб чиқишини маълум қилган эди. Ироқдаги тинчликпарвар миссия иккинчи жаҳон урушидан кейин ушбу давлатнинг мамлакат ташқарисида ўтказган илк операциясидир.

2004 йил январида Ироққа киритилган 600 нафарга яқин япон аскарлари жанговар ҳаракатларда эмас, аксинча, мамлакатни миналардан тозалаш билан боғлиқ операцияларда қатнашди.

ИНДОНЕЗИЯ

Индонезия яна цунами гирдобида

Ява оролининг жанубий қирғоқларида юз берган тўфон (цунами) оқибатида қурбон бўлганлар сони 550 нафардан ошиб кетди.

РИА Новости хабарига кўра, табиий офат маркази Ғарбий Ява вилоятидаги Пангандаран курорт шаҳри бўлди.

Индонезия оммавий ахборот воситалари хабарига кўра, қурбонлар орасида Нидерландия, Швеция ва Покистон фуқаролари ҳам бор.

— Кўпчилик бедарак йўқолганини ҳисобга оладиган бўлсак, қурбонлар сони ортиши мумкин. Сув тўлқинлари оқизиб кетган одамлар ҳам қидирилаяпти, — деди президент Сусило Бамбанг Юдҳойоно.

Хабарларга кўра, цунамига Пангандарандан 200 км. жанубда юз берган 6,8 балли зилзила сабаб бўлган.

Маълумки, 2005 йил охирларида Ҳинд океани бўйлаб тарқалган цунами минтақанинг 10 мамлакатига жиддий шикаст етказган, жумладан, Индонезияда 200 мингдан ортиқ кишининг ўлимига олиб келган эди.

МАҒЛУБ бўла туриб, тушкунликка берилмасликда инсон жасорати мислсиз синовдан ўтади

ЧЕМПИОНЛИК ЖАНГЛАРИ

ПРОФЕССИОНАЛ РИНГ

Боксчиларимиз яна зафар қучдилар

Икки нафар ҳамюртимиз — Қаҳрамон Орзиқулов ва Руслан Чагаевлар Россия ва Германия рингларида ўтказилган учрашувларда рақиблари устидан ғалаба қозониб, ўзбек профессионал боксининг дунёдаги мавқеини янада оширишга муваффақ бўлдилар.

■ Шуҳрат ХЎЖАЕВ

1980 йили Андижонда туғилган Қаҳрамон профессионал боксдаги фаолиятини 2001 йилда бошлаган. Россияда яшаб, ўша ерда машғулотлар олиб бораётган ҳамюртимиз сўнгги учрашувига қадар 13 та жанг ўтказиб, 10 тасида (6 тасини нокаут билан) ғалаба қозонганди.

13 июль куни "Империя" промоутерлик компанияси томонидан Москвадаги "Форум-Холл" мажмуасида турли даражадаги унвонларни қўлга киритиш учун жами бешта жанг ташкиллаштирилган бўлса-да, қатор ОАВида таъкидланганидек, энг енгил вазн (52,2 кг.гача) эгалари — ўзбекистонлик Қаҳрамон Орзиқулов ва 32 яшар қозоғистонлик боксчи Марат Мазимбаев ўртасида кечган баҳс бокс кечасининг марказий ва энг диққатга молик учрашуви, деб топилди. Ушбу жангда ғолиб бўлган боксчи ўз вазнида бирданига икки йўналиш —WBO ва IBA бўйича чемпионлик унвонини қўлга киритиши лозим эди. Аммо "Форум-Холл"га йиғилган ишқибозларни унвон кимга насиб этиши эмас, кўпроқ ўзига хос сценарий бўйича давом этган жангда ким ғолиб чиқиши қизиқтирган бўлса, ажабмас. Гап шундаки, жангнинг биринчи ярмида рақибининг аксарият зарбаларини ўтказиб, мағлубиятга учраётган Қаҳрамон қоши ёрилганига қарамай, ўзини қўлга олиб, учрашувда туб бурилиш ясай олди. Ва, том маънода кўзи қонга тўлган ҳолда Мазимбаевни тўрт марта (икки марта саккизинчи, бир мартадан ўнинчи ва ўн биринчи раундда) нокдаун ҳолатига учратиб, умидли ғалабага эришди. 12-раундан сўнг ҳакамлар ҳеч иккиланмай, вакилимизнинг (120:106; 117:118 ва 114:110 ҳисобида) зафар қучганини маълум қилдилар.

15 июль куни Руслан Чагаев ва англиялик боксчи Майкл Спротт ўртасида бўлиб ўтган жангнинг тақдири аввалдан маълум эди. Зеро, ҳамюртимизнинг нисбатан кучсиз рақиби ҳақида газетамизнинг 6 июль сонида чоп этилган "Оқ Тайсон" муносиб рақиб изламоқда" мақоласида батафсил маълумот берганди. Шундай экан, Гамбургдаги "Колор Лайн Арена"да ишончли ғалабани қўлга киритган Руслан бир қатор мутахассислар тахминини амалда тасдиқлаб қўйди холос, десак адашмаймиз. Жангдаги устунлик, кутилганидек, вакилимиз томонида бўлди. Шу боисдан бўлса керак, оёғида зўрға турган шогирдининг бошқа кураша олмаслигини тушуниб етган Спроттнинг мураббийлари саккизинчи раундда учрашувни тўхтатдилар. Шу тариқа техник ғалабага эришган боксчимиз профессионал рингдаги йигирма биринчи ютуғини (22 та учрашувда) тантана қилишдан ташқари, WBA йўналиши бўйича ўта оғир вазнда Қитъалараро чемпионлик унвонини сақлаб қолишга ҳамда WBOнинг ҳеч кимга тегишли бўлмай турган Asia Pasific камарини қўлга киритишга муваффақ бўлди.

ОБ-ҲАВО

20 - 26 июль кунлари республикамизда иссиқ ва қуруқ об-ҳаво кузатилиб, ҳафтанинг энг юқори ҳарорати дам олиш кунларида қайд этилади.

Жумладан, Хоразм, Бухоро, Навоий вилоятларида ва Қорақалпоғистонда шу ҳафта охирида ҳарорат кечаси +21+23, кундузи +40+42 даражани ташкил этса, янги ҳафтанинг дастлабки кунларида кундузи +37+38 даражада бўлади.

Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида эса кечаси +22+24, кундузи +40+42 даражадан тушмайди.

Фарғона, Наманган ва Андижон вилоятларида ҳам чиллага хос об-ҳаво кузатилади. Дам олиш кунлари бу ерларда ҳаво ҳарорати кундузи + 41 даражагача етади.

Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятларида ҳам ҳаво ҳарорати ҳафта охиригача кўтарилиб, 22-23 июлда +40 даражадан ошади. Янги ҳафтанинг дастлабки кунларида эса кечаси +17+18, кундузлари +36+38 даража атрофида бўлади.

Пойтахтимиз Тошкентда ҳам ҳафта давомида термометр кўрсаткичлари кечаси +22+24, кундузи +37+39 даража атрофидаги ҳароратни кўрсатади.

БИЗНЕС-БАШОРАТ

24-30 июль

ҚЎЙ. 25-санадан бошлаб, ниҳоят, барча бош оғриқлардан қутулиб, хотиржам дам олиш имкониятига эга бўласиз. Шундай экан, мазкур ҳафтада бўш вақтингизни оила аъзоларингиз ҳамда қалбингизга яқин бўлган кишингиз билан ўтказишга ҳаракат қилинг.

БУЗОҚ. Июлнинг охирги ва августнинг дастлабки кунларида шахсий ҳаётингизда ва иш фаолиятингизда ижобий ўзгаришлар рўй бериши, яъни, жамият ва оиладаги мавқеингиз янада ошиши кутилмоқда.

ЭГИЗАКЛАР. Одатда, июль "эгизаклар" учун муваффақиятсиз келади. Бироқ жорий йилнинг 23-25 июль кунларида улар ғоят манфаатли келишувларни имзолашга эришадилар. Ойнинг охирги уч кунида эса, мазкур бурж вакилларини қийнаётган муаммоларнинг аксарияти ўз ечимини топади.

ҚИСҚИЧБАҚА. Ой охирига қадар техника ва транспорт воситаларини харид қилмаганингиз маъқул. Бошқа масалаларда эса омад сизнинг тарафингизда бўлади. Жумладан, хонадонингизда кайфиятингизни кўтарилишига сабаб бўладиган қатор воқеа-ҳодисалар рўй беради.

АРСЛОН. 25 июлдан бошлаб катта лойиҳаларга қўл уришингиз мумкин. Аммо августнинг дастлабки кунларига қадар соғлиғингизни эҳтиётланг. Акс ҳолда оғир асоратларни келтириб чиқарувчи касаллик орттириб олишингиз мумкин. Лекин шунга қарамай, кайфиятингизни туширманг. Чунки бир ҳафта кўз очиб-юмгунча ўтади-кетади.

ПАРИЗОД. Келаси ҳафтада иш фаолиятингизга доир жараёнлар қизғин паллага киради. Аммо бу ҳолат сизга ортиқча ташвиш келтирмайди. Сабаби — 25 июлдан Марс Паризод буржига ўтгани боис, ана шу даврда ўзингизга бўлган ишонч ва куч-қувватнинг сезиларли ошганини сезасиз.

ТАРОЗИ. Ойнинг охирида имкониятларингиздан унумлироқ фойдаланишга ҳаракат қилинг. Қобилиятингиз нималарга қодирлигини яхши биласиз. Бироқ сўнгги хулоса ва муҳим келишувлар билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишда шошилманг. Яхшиси, улар билан кейинги ҳафтада шуғулланинг.

ЧАЁН. Келаси ҳафтада зиммангиздаги мажбуриятларингизга жиддийроқ ёндашганингиз маъқул. Ана шунда бўлажак ой учун замин яратиб, бутун ой мобайнида муваффақиятли фаолият юритасиз. Соғлиқни тиклаш учун спорт машғулотлари, жумладан, сузиш билан кўпроқ шуғулланишга ҳаракат қилинг.

ЎҚОТАР. Қуёш Арслон буржига ўта бошлагач (23 июлда), кучингизга куч, қувватингизга қувват қўшилаётганини сеза бошлайсиз. Ҳафтани ёзги орзуларингизни рўёбга чиқариш билан ўтказасиз. Жумладан, шанба ва якшанба кунлари табиат қўйнида мириқиб дам оласиз.

ТОҒ ЭЧКИСИ. Келаси ҳафта сиз учун янги бўлган йўналишда ишлаб кўриш имконияти юзага келади. Эътиборлиси, янги иш жойингизда кўпроқ тажриба орттириш мумкинлигига ишонч ҳосил қиласиз. Лекин ҳар қандай шароитда ҳам раҳбарият ва ҳамкасблар билан хушмуомала бўлишга ҳаракат қилинг.

ҚОВҒА. Катта танаффусдан сўнг таниш-билишлар ёрдамида нафақат оёққа туришга, балки олға қадам ташлашга муваффақ бўласиз. Ойнинг охирида муаммоларингиз деярли қолмайди. 26 июль куни ўзингизни ва яқинларингизни кутилмаган фалокатлардан асранг. Соғлиғингизга эътибор беринг.

БАЛИҚ. Келаси ҳафта омад сизнинг тарафингизда бўлиши кутилмоқда. Шунга қарамай, ортиқ сарф-харажатларга йўл қўйманг. Оила аъзоларингизга эътиборли бўлинг. Қулоққа чалинган айрим гап-сўзларга ишониб, асабларингизни бузманг.

МОЛИЯВИЙ НАЙРАНГЛАР

ФУТБОЛ

Мамлакат суди "Ювентус", "Лацио" ва "Фиорентина" каби номдор футбол клубларини келишилган учрашувларни уюштиришда айблаб, жамоаларнинг "А" сериядан қуйи дивизион — "В" серияга туширишиб юборилиши ҳақидаги қарорини эълон қилди.

Италия чемпионатида — инқироз

Ундан ташқари, "кучсизлар лигаси"га бадарға қилинган жамоалар янги мавсумни жарима очколари билан бошлайдиган бўлишди. Жумладан, сўнгги икки мавсумда қўлга киритган чемпионлик унвонларидан маҳрум этилган "Ювентус"га минус 30 очко "илиб қўйилган" бўлса, "Лацио" ва "Фиорентина" минус 7 ва 12 очко билан жазоландилар. Юқори дивизионда қолган, аммо кейинги мавсумни "минус 15" очко билан бошлайдиган "Милан" эса Чемпионлар лигасида қатнашмайдиган бўлди.

Кўпгина мутахассислар ва мухлислар эндигина «тандирдан чиққан» жаҳон чемпионлари ва уларнинг клублари мутасадди идоралар таъқибидан қутулиб қолсалар керак, деб ўйлаган бўлсалар ажабмас. Бироқ, ўқиб эшиттирилган ҳукмларда нима бўлишидан қатъий назар, айбдор деб топилганлар, албатта жазога тортилишлари лозимлиги таъкидланди.

Маълумотларга кўра, қарордан норози клублар апелляция судига мурожаат қилишган. Ишни олиб бораётган махсус комиссиянинг баён қилишича, апелляцион суднинг сўнгги хулосаси 24 июлга қадар чиқарилиши лозим. Эслатиб ўтиш жоиз: Европа клублари УЕФА кубоги ва Чемпионлар лигаси мусобақаларида қатнашиши ҳақидаги ўз аризаларини айнан шу санагача топширишлари керак.

ШАХМАТ

Қосимжонов учинчи

Томск шаҳрида таниқли шахматчи Пётр Измайлов хотирасига бағишлаб турнир ўтказилди.

Тезкор шахмат бўйича мусобақада жами олти нафар гроссмейстер икки даврали тизимда ўзаро баҳслашдилар. 10 имкониятдан 7 очко тўплаб, турнир ғолиби деб топилган украиналик спортчи, Афина Олимпиадаси чемпиони Сергей Корякин ҳам мусобақа давомида бир неча маротаба "қоқилишга" мажбур бўлди. Россия чемпиони, 5,5 очко тўплаган Сергей Рублевский иккинчи ўрин эгаси деб топилган бўлса, ўз ҳисобига 5 очко ёзиб қўйган Рустам Қосимжонов кучли учликдан жой олди.

Кейинги ўринлар тегишли равишда Халқаро шахмат федерацияси (FIDE) рейтингининг 9 ва 13-поғоналарида бораётган гроссмейтерлар — россиялик А. Морозевич ва украиналик Р.Пономарёв, шунингдек, молдовалик В.Бологанга (рейтингнинг 40-ўрин соҳиби) насиб этди.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг Қашқадарё вилояти кенгаши партиянинг Косон туман кенгаши раиси **Суннат ҒАНИЕВ**нинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

"XXI asr" газетаси таҳририяти O`zLiDeP Косон туман кенгаши раиси **Суннат ҒАНИЕВ**нинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

РЕКЛАМА

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKOR
Тошкент шаҳар, Моваройнаҳр кўчаси 16а-уй. Телефонлар: 132-25-51; 133-46-61: Факс: 133-20-74. www.tshmbm.uz: E-mail: info@tshmbm.uz; Birja@mail.tps.uz

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ

КЕНГАШ РАИСИ
Муҳаммадюсуф ТЕШАБОЕВ

КЕНГАШ АЪЗОЛАРИ
Абдулазиз АБДУЛЛАЕВ
Адҳам ШАДМАНОВ
Акром АЛИМОВ
Маҳаматжон АҲМЕДЖАНОВ
Муҳаммадилҳом ЙЎЛДОШЕВ
Аъзамжон РАҲМАНОВ
Абдуваҳоб ИМОМАЛИЕВ
Бахтиёр ЁҚУБОВ
Зиёдулла УБАЙДУЛЛАЕВ
Илҳом НАСРИЕВ
Мансур ЗОКИРОВ
Мухлиса АКРАМОВА
Маҳмуд САЙДАЛИЕВ
Равшан ОХУНОВ
Раҳматилло КАМОЛОВ
Сирожиддин САЙИД
Шуҳрат НОРГИТОВ
Шуҳрат ОРИПОВ
Қиёмиддин НАЗАРОВ
Қобилжон ТОШМАТОВ
Туланбой КАРИМОВ
Эркин ТОШЕВ

ТАҲРИРИЯТ
Абдували СОЙБНАЗАРОВ
Маркс ЮСУПОВ
Зумрад АБРОРОВА
Носир ТОШЕВ
Ориф ЎЛМАСОВ
Тоҳир МАЛИК
Темур АБДУРАҲМОНОВ
Тоҳир МИРҲОДИЕВ
Улуғбек ЮСУПОВ
Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА
Холмўмин МАМАТРАЙИМОВ
Шаҳзод НАЗАРОВ
Шуҳрат ОХУНЖОНОВ

МАТН ТЕРУВЧИЛАР
Нигора ЖЎРАЕВА
Замира АҲМЕДОВА

БЎЛИМЛАР
ПАРТИЯ ТУРМУШИ 55-45-08
ИҚТИСОДИЁТ ВА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ 55-43-57
ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР ВА ПАРЛАМЕНТ ФАОЛИЯТИ 132-25-15
АХБОРОТ ВА ТАРҒИБОТ ИШЛАРИ 55-70-16
МАЪНАВИЯТ, АДАБИЁТ ВА САНЪАТ 55-68-50
ХАТЛАР, ШИКОЯТЛАР ВА ТАҲЛИЛ 55-70-16

Навбатчилар:
Т. АБДУРАҲМОНОВ, Қ. ҚЎЛДОШЕВ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41.
Буюртма рақами: Г-968
Тираж: 11803

PR - тижорат белгиси

МУАССИС: Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.
«XXI ASR» ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2003 йил 18 декабрда 028 рақами билан рўйхатдан ўтган.
ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент, «Нукус» кўчаси, 73А-уй.
ЭЛЕКТРОН ПОЧТА:
axborotXXIasr@yahoo.com
XXI_ASR@yahoo.com
XXI_ASR@doda.uz
© «XXI ASR»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406

БОШ МУҲАРРИР
Миродил АБДУРАҲМОНОВ

XASR ©

БИЗНЕС ҲАМКОРЛАРИМИЗ

ASR EKSPRESS MEDIA
НОШИРЛИК УЙИ
ТЕЛ: 132-14-47, 132-25-15.

Mila PRESS
РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ
Тел:(998-71)151-29-52.
E-mail: milapress@yahoo.com